O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**Da'vat**

***Yaxshi kitob ko'tarib olgan odam hech qachon yolg'iz emas.***

**Karlo GOLDONI**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 18 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 100 (7503)

**Ibrat**

***Toshkent tumanidagi 16-maktab o'quvchilariga Yengil mebel sanoati va kommunal-maishiy xizmat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy qo'mitasi tomonidan 240 ming so'mlik homiylik yordami ko'rsatildi.***

*__Ўзбекистон Республикаси Президентининг__*

*ФАРМОЙИШИ*

## "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида

2003 йилнинг мамлакатимизда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши муносабати билан, маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг муҳим органи сифатида тутган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этиш заруратини инобатга олиб:

1. "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилсин.

2. "Обод маҳалла йили"-га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

— Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

— маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини аниқлаш; мазкур институтнинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқарув тизимида ўз ўрнини эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиб берадиган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва унинг ҳокимият тизими — туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ва нодавлат тузилмалари, шу жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳуқуқий муносабатларини белгилаб берувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш; бу борадаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, маҳалла ва юқорида зикр этилган органларнинг ваколат ва масъулиятларини, маҳалланинг фуқаролик ҳокимияти институти сифатидаги ҳуқуқий мақомини, маҳалла қўмиталарининг штатларини ва ташкилий тузилмасини қатъий белгилаб берадиган янги қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

— маҳалланинг моддий ва молиявий асосларини, бюджетини (даромад ва харажатлари), мазкур маблағларни сарфлаш ҳамда ўз балансидаги асосий фондлардан фойдаланиш ҳуқуқи белгилаб берилишини кўзда тутган ҳолда, унинг ҳуқуқий мақомини аниқ маъно-мазмун билан тўлдириш юзасидан танқидий таҳлил ўтказиш;

— маҳалланинг хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо, бизнес, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни спортга жалб этиш борасидаги ҳуқуқлари ва амалий ролини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— маҳалланинг маънавий соҳадаги, ахлоқий тарбия ва энг яхши миллий анъаналарни мустаҳкамлашдаги ўрнини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Маҳалла ва унинг тузилмалари томонидан аҳолига анъанавий урф-одатлар, тўй-маъракалар, дафн маросимлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш бўйича унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, умуман мамлакат аҳолисининг муайян тоифаларига молиявий-моддий ёрдам кўрсатиш ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун маблағ излаб топиш, унинг манбаларини аниқлаш Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига топширилсин:

а) кам таъминланган оилалар, қаровчиси бўлмаган кекса фуқароларга, шунингдек, ёш оилаларга амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш;

б) ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, тозалаш, ободонлаштириш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар, коммунал хизмат тармоқларини яхши ҳолатда сақлаш;

в) маҳалла гузарлари ва аҳолининг кундалик турмуш эҳтиёжларига хизмат қиладиган бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш;

г) маҳалла инфратузилмаси иншоотларини молиялаштириш ва қуришда тижорат тузилмалари, жамоат бирлашмалари ҳамда жамғармаларининг имкониятларидан фойдаланиш.

4. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддат ичида "Обод маҳалла йили" дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

Шу муддат ичида республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси анъанавий удумлар, тўйлар, дафн маъракалари ва бошқа миллий маросимларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур дастур пировард натижада аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишга, унинг жойлардаги жамоа бўлиб яшаши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, фуқаролик институтлари, фуқаролик ҳокимияти тизимини барпо этишда маҳалланинг ўзини ўзи ташкил этиш ва бошқариш даражасини юксалтиришга хизмат қилиши зарур.

3. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 декабрь



***Паға — паға ёғар қор***
***Юртимнинг иқболи бор.***

# ЯНГИ УФҚЛАР

**Xalqaro hamkorlik**

Келажакка нигоҳ қадаган инсон борки, уни аввало, фарзанди камолида кўради. Зеро, бола эртанги кун умиди, унинг яратувчисидир. Шу боис ҳар бир ота-она ўз ўғил-қизининг соғлом ва баркамол вояга етиши йўлида эртаю-кеч қайғуради, изланишда бўлади. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан юрт фарзандларининг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун қайғуриши замирида ҳам ўша жигаргўшаси келажагига умид боғлаган ота-онанинг улкан мақсад-муддаоси мужассам, десак муболаға бўлмайди. Япония — Ўзбекистон муносабатларининг тобора янги маъно-моҳият касб этишида ҳам ҳар икки давлатнинг фарзандлар иқболига бефарқ эмасликлари етакчи аҳамият касб этаётган бўлса ажаб эмас. Зотан, давлатларимиз ўртасидаги таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни такомиллаштириш асносида ёшларимизнинг комил инсон бўлишлари йўлида олиб борилаётган ҳамкорлик алоқалари кўламининг тобора кенгайиши фикримизни тасдиқлайди.

Куни кеча мазкур соҳада олиб борилаётган дўстона муносабатларнинг давоми сифатида пойтахтимизда жойлашган Япония бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда кунчиқар мамлакатнинг юртимиздаги ваколатхонаси томонидан яна бир неча шартномалар имзоланди. Япония ҳукуматининг юртимиз таълим муассасаларининг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланишига йўналтирилган кичик кўламдаги беғараз иқтисодий ёрдам лойиҳаси асосида ажратилган бу галги маблағларнинг умумий миқдори 327 минг 263 АҚШ долларига тенг бўлиб, у энди Фарғона водийсидаги бир неча таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ривожига хизмат қиладиган бўлди.

Шартномаларни имзолаш маросимида Япония ҳукуматининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кавато Акио сўзга чиқар экан, ҳар икки юрт ўртасидаги илиқ муносабатларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Маълумки, давлатларимиз ўртасидаги таълим тизимида олиб борилаётган ҳамкорлик алоқалари, — дейди элчи жаноблари, — бир неча йиллардан буён давом этиб келмоқда. Ўйлайманки, бу борадаги дўстона муносабатларимизнинг уфқлари янада кенгаяди. Зеро, ҳар қандай юрт келажаги ўғил-қизларимиз камолидадир. Демак, ота-она, эл-юрт фарзандлар эртаси учун қайғуришдан ҳеч қачон тўхтамайди.

Шундан сўнг Япония давлатининг, хусусан, элчихона вакилларининг юртимиз таълим ривожига қўшаётган ҳиссалари, беғараз кўмаклари учун Республика Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов миннатдорчилик билдириб, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тобора янгича мазмун-моҳият кашф этаётганлигига эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда)

### ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

"БУЛБУЛ ЧАМАННИ СЕВАР..." 3-бет

Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш ҳақида муваққат НИЗОМ 4-бет

ШЕРГА ҚИЁСЛАНГАН ШОИР КИМ? АДАБИЁТ ФАНИДАН 10-СИНФЛАР УЧУН ТЕСТ 5-бет

ДОИМИЙ АНЖУМАН ОЛДИДАН 5-бет

ЯШИРИН ОЧЛИК 6-бет

ОРОЛДАН ЧИҚҚАН ОЛИМ (OCHERK) 6-бет

КОМПЬЮТЕР ҚИРОЛИ ЁХУД БИЛЛ ГЕЙТСНИНГ МАБЛАҒИ 1 ТРИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ЕТАДИМИ? 8-бет

ЧИЗИҚЛИ КРОССВОРД ВА ЦИКЛОСКАНВОРД 8-бет

## ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

**Tadbir**

**Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани таълимни ривожлантириш, катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш халқаро ҳаракатининг Ўзбекистондаги амалга ошираётган ишлари, ҳозирги кунда академик лицей ва коллежларда таълим олган ўқувчиларнинг иш билан таъминланиши, ишсизлик муаммоларига бағишланди. Мазкур ҳаракат илк маротаба Болгариянинг София шаҳрида конференция ўтказган эди ва унда юртимиздан ҳам вакиллар қатнашган эдилар. Унда дунё миқёсида саводсизликка барҳам бериш, айниқса, Африкада бу жараён катта кўрсаткичга эгалиги сабабли бутун дунёдаги бугунги билим даражасини юксакка кўтариш мақсадида ЮНЕСКО тадбирнинг асосий ташкилотчиларидан бўлди. Анжуман ҳозирда фаолият юритаётган журналист ходимлар иштирокида бўлиб ўтганлиги учун ҳам баҳс-мунозарали тарзда ўтди. Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳаётий далиллар асосида жавоб олдилар.**

**Н.ХОЛМЕТОВА**

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА МОНИТОРИНГ

## *УНДАН ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР КУТИЛАЯПТИ*

**Yangilik**

Ҳаммамизга маълумки, ўтган тўрт йил мобайнида узлуксиз таълим тизими учун Давлат таълим стандартлари(ДТС) ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинди. Жумладан мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари ҳам ишлаб чиқилди. Улар мактабгача таълим ёшидаги болаларга бериладиган таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, таълим-тарбия мазмунининг асосий йўналишлари, болаларнинг мактабга тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар ва мазкур йўналишларни фаолиятга татбиқ этиш масалаларини ўз ичига олади. Шунга кўра тасдиқланган "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастурининг амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг аниқ йўналишини белгилаб берди десак бўлади. Лекин, иш ҳамма жойдаям силлиқ кечавермаслигини ўтаётган давр тажрибада исботлади. Хўш, нима қилмоқ керак?

Мактабгача таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнига Давлат талабларини жорий этиш билан боғлиқ фаолиятни ўрганиш болаларнинг янги ўқув дастурларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бу борада амалий ёрдам бериш, яъни мониторинг тизимини ташкил қилиш энг самарали тадбир деган бир хулосага мутахассислар келишди. Чунки, бу синашта бўлган усул. Боиси, умумий ўрта таълим мактабларида ҳам мониторинг тизими йўлга қўйилганида, ўқувчи, ўқитувчи ва умуман мактаб ишидаги қатор жиҳатлар даражаси аниқланиб, шу асосда керакли чора ва тадбирларга киришилган ҳамда бу фаолият йилдан-йилга ривожланаяпти. Демак, мониторинг тизими — ўзини оқлаётган усул. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим тизимида мониторингни йўлга қўйиш бўйича ҳаракатлар бошлаб юборилди. Ва 2001 йилда халқ таълимининг барча талаб кўрсаткичлари бўйича республикада биринчи ўринни эгаллаган Юнусобод туман ХТБ мактабгача таълим бўлимига қарашли муассасаларда қилинаётган ишлар юзасидан тажрибалар тўплашга киришилди. Ниҳоят, озмикўпми тўпланган маълумотлар ўрганиб чиқилиб, ХТВ, Тошкент шаҳар ХТББ ва Юнусобод туман ХТБ ҳамкорликда "2002-2003 ўқув йилининг 1-ярим йиллиги бўйича мактабгача таълим муассасаларида Давлат талабларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш мониторинги" мавзусида вилоят, шаҳар ХТБ мониторинг бўлими ва мактабгача таълим бўлими мутахассислари учун республика семинарини ўтказди.

Семинар ғояларни бир-бирига ноанъанавий узатиш санъати дея таърифланадиган интерфаол усулда бўлиб ўтди. Бундай дейишимизга сабаб семинарнинг мунозарали, ижодий ёндошилган, тест саволлари билан, кўргазмалиликдан фойдаланилган, илғор ғоялар қўллаб-қувватланган, ва ошкоралик тарзида ҳамда рағбатлантириш руҳида ўтишини хоҳлаган қатнашчилар гуруҳларга бўлиниб иш олиб боришди. Ҳамма ўз шароитидан, фаолият услубидан келиб чиққан ҳолда мониторинг тизимини ишлаб чиқишда нималарга эътибор бериш кераклигини чизмаларда акс эттиришди. Барча билдирилган таклифлар йиғилиб, 7 та масалага алоҳида урғу берилди. Булар, биринчиси — моддий-техник база, иккинчи — кадрлар салоҳияти, учинчи — маънавий-маърифий ишлар, тўртинчи — ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва назорат, бешинчи — таълим сифати, олтинчи — овқатланиш масаласи ва еттинчи — тиббий хизмат йўналишлари қилиб белгиланди. Шу ўринда айтиш керакки, семинарнинг назарий ва амалий жиҳатларини йўналтириб ва тажрибалар ҳамда улардан келиб чиққан таҳлиллар билан ўртоқлашган Юнусобод ТХТБ мактабгача таълим бўлими услубчиси Гулчеҳра Нурмуҳамедова ҳар бир белгиланган йўналишга алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, ўқув моддий техника базасини яхшилаш кечиктириб бўлмас вазифа эканлигини ва бу албатта, тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишига ўз таъсирини кўрсатишини таъкидлаб, тумандаги МТМ мониторинг таҳлилига тўхталиб шундай деди:

(Давоми 2-бетда)

# РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ БЎЙИЧА Н И З О М

### *1. Умумий қоидалар*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши асосида ишлаб чиқилган. Низом бўйича олиб бориладиган ишлар “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитиш асосида ўқувчи ва талабаларнинг билимини мустаҳкамлаш, уларнинг мустақил фикрлаш ва маънавий юксалиш даражасини ҳамда мазкур фанни ўзлаштиришнинг самарасини аниқлашга, шу асосда ўқитишни ташкиллаштиришга хизмат қилади.

### *2. Ўқувчилар ва талабаларнинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўзлаштириш асосида мустақил фикрлаш ва маънавий юксалишдаги ижобий ўзгаришларни ўрганиш ва назорат олиб боришнинг шакл ва усуллари*

**2.1. Умумий ўрта таълим муассасаларида:**

1) I-IV синфларда ўқитиладиган “Одобнома” фани юзасидан якуний суҳбат ўтказилади, унда ўқувчилар маънавий савияси аниқланади. Суҳбат бошланғич синфлар учун амалда қўлланилаётган методлар асосида билимларни аниқлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилиши лозим. Ўқувчиларнинг ёшига мос равишда “саёҳат”, “эртаклар оламида”, гуруҳлар ўртасида “мусобақа” каби методлар орқали ҳам уларнинг дунёқараши, билим савияларини ўрганиш мумкин. III-IV синфларда маълум мавзу бўйича баён ўтказиш (баён этилган мавзуни ўқувчилар томонидан ёзма ифодалаш) ҳам мумкин.

2) V-VI синфларда ўқитиладиган “Ватан туйғуси” фани юзасидан ўқувчиларнинг билим савияларини ўрганиш мақсадида якуний суҳбат ўтказилади. Суҳбат ўқувчиларнинг ёши, психологик ҳолатларини ҳисобга олиб, кичик гуруҳларга бўлинган тарзда амалга оширилиши мумкин. Суҳбатлар аниқ мавзу юзасидан интерактив тарзда, фикр алмашувнинг устунлигига эришган ҳолда ўтказилиши керак. Уларни хотира майдонлари, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларга ва мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар билан танишув вақтида, саёҳатларда ҳам ўтказиш мумкин.

3) VII-IX синфларда “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани бўйича қисқа (1-2 бетлик) иншо ўтказилади. У муайян мавзу бўйича ўтказилади ва ўқувчининг мазкур мавзуга ижодий ёндашуви, мустақил фикрининг даражаси ўрганилади. Иншо натижалари ўқувчилар иштирокида муҳокама қилинади, диққатга сазовор фикр ва иншо муаллифи алоҳида рағбатлантирилади. IX-XI синфларда аниқ мавзу юзасидан рефератлар тайёрланиб, муҳокама этилиши мумкин.

2.2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида: Академик лицей ва касб-хунар коллежларида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўрганиш юзасидан аввал коллоквиум сўнгра якуний семинар ташкил этилади. Семинар академик гуруҳ-(синф)ларда ўтказилади. Ҳар-бир синфда алоҳида мавзулар бўйича семинарлар ташкил этилади. Уни юқори савияда ўтказиш учун семинар мавзуси ўқувчиларга аввалдан маълум қилинади. Семинарга гуруҳ аъзоларининг барчасини фаол жалб этиш, баҳс-мунозарани ташкил этиш лозим. Семинар якуни юзасидан муайян хулоса тайёрланади.

2.3. Олий таълим муассасаларида:

Олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичларида муайян мавзу юзасидан илмий-назарий конференциялар алоҳида ўтказилади. Ҳар бир таълим босқичидаги коференциялар ҳам икки босқичда ташкил этилади. Биринчи босқичда барча талабалар томонидан маърузалар тайёрланиб, гуруҳларда муҳокама этилади. Иккинчи босқич — факультет босқичида энг диққатга сазовор маърузалар ўқилади ва муҳокама этилади.

### *3. Ўқувчилар ва талабаларнинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўзлаштириш асосида мустақил фикрлаш қобилияти ва маънавий юксалиш даражасини ўрганиш ва назорат олиб боришнинг ташкил этиш тартиби*

3.1. Миллий истиқлол ғоясини ўрганишнинг ўқувчи ва талабалар маънавий камолотига таъсирини аниқлаш ва назорат қилиш таълим муассасаларида амалда қўлланилаётган баҳолаш тартибидан ташқари, алоҳида ўтказилади ҳамда ўқув режа ва дастурида белгиланган тартибдан фарқ қилиб, улар баҳоланмайди, аксинча, ўрганилиб, таҳлил қилинади ва миллий истиқлол ғоясини уларга янада чуқур сингдириш юзасидан хулоса ва таклифлар тайёрланади.

3.2. Хулоса методбирлашма, кафедраларда муҳокама қилиниб, фанни ўқитишни такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланади (ички назорат).

3.3. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишнинг ёшларнинг маънавий юксалишига таъсирини ўрганиш тадбирлари асосан мазкур фанга ажратилган ўқув соатлари ҳажми доирасида амалга оширилади.

### *4. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишнинг ёшларнинг маънавий юксалишига таъсирини ўрганишга қўйиладиган намунавий талаб ва мезонлар*

* дарс жараёнида эгаллаган назарий билимларини ҳаётий амалиётда қўллай билиши, ўзининг мустақил фикри остида хулоса қила билиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок эта олиши;

* ғоялар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши. Миллий истиқлол ғоясининг халқни, жамиятни Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги каби буюк мақсад йўлида бирлаштирувчи ва сафарбар этувчи куч эканлигини тушуниши.

* Миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини яхши билиши;

* Миллий истиқлол ғоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақиллик муқаддас қадрият эканлигини, уни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг олий бурчи эканлигини ҳис эта олиши;

* тарихий тараққиёт давомида аждодларимиз яратган бой маънавий-маданий тарихий меросни чуқур билиши ва ундан Ватан равнақи йўлида фойдалана билиши;

* Миллий истиқлол ғоясининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, аждодларимизнинг миллий ва умумжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасини идрок эта олиши ва ғурурланиши;

* халқимиз тафаккурининг маҳсули бўлган бунёдкорлик ғояларини билиш асосида Миллий истиқлол ғоясига эътиқодли бўлиши;

* ўзбек халқининг истиқболдаги асосий мақсадга етакловчи бош ғояларининг яратувчанлик моҳиятини англай билиши ва уни ҳаётга татбиқ этиш жараёнига қатнашиш кўникмаларига эга бўлиши;

* ёшларнинг ўзларидаги ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан манфаати ва унинг равнақи йўлида сафарбар қилиш малакасига эга бўлиши;

* ўқувчиларнинг ғайрат ва шижоат, мардлик ва жасурлик, миллий ғурур ва миллий виждонга, бунёдкорлик фазилатларига эга бўлиши;

* Миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларини билиши, шу тамойиллар асосида ўз ҳаётини қуриш кўникмасига эга бўлиши;

* “Мен ватан равнақи учун нима қилдим?” тушунчасининг амалий моҳиятини чуқур англай билиш;

* мафкуравий тарбиянинг илғор, миллий, хорижий, оилавий урф-одат ва анъаналарини билиши;

* Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг маданий, маърифий, маънавий, тараққиёт манфаатларини ҳурмат қила билиши;

* зарарли, таҳдид солувчи ғояларга қарши кураш ва ҳимояланиш малакасига эга бўлиши ва юрт тинчлигига хизмат қила билиши;

* маънавий янгиланиш жараёнида жамият хавфсизлигига таъсир этувчи ташқи ва ички таҳдидлар ҳамда ғаразли ғояларга кескин кураш йўллари ҳақида тушунчага эга бўлиши ва уни турмушда қўллаши;

* лоқайдликка, маънавий тубанликка, аҳлоқий бузуқлик ва зўравонлик, шафқатсизлик ва жангарилйкни тарғиб этувчи ғояларга қарши кураша билиши ва ўзида мафкуравий иммунитетни шакллантириш кўникмаларига эга бўлиши;

* “Миллий истиқлол ғояси; асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича адабиётларни таҳлил қила билиши, мустақил рефератлар, маърузалар тайёрлай билиши.

### *5. Ёшларнинг маънавий юксалишига қаратилган ишларни назорат қилиш ва такомиллаштириш механизми*

5.1. Миллий истиқлол ғоясининг ёшлар камолотига таъсирини чуқур ўрганиш, бу жараённинг самарасини оширишга хизмат қиладиган усуллар, йўллар ва имкониятларни излаб топиш мақсадида таълим муассасаларининг ўқувчилари, талабалари, ўқитувчилари ва жамоатчилик орасида кенг қамровли ижтимоий тадқиқотлар ўтказилади. Ўтказилган тадқиқотлар таҳлил қилиниб, хулосалар тайёрланади. Шундай тадқиқотлар “ Ижтимоий фикр”жамоатчилик маркази томонидан ҳам ўтказилади.

Таълим муассасаларининг мазкур масала бўйича ишлаб чиқилган хулосалари “Ижтимоий фикр” жамоатчилик марказининг Миллий истиқлол ғоясини ўрганишни тадқиқ этиш борасидаги махсус тадқиқотлари билан таққосланади.

5.2. Таълим вазирликлари ва “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари, улар ўртасидаги ўхшашлик, фарқ ва тафовутлар аниқланади. Улар тўғрисидаги маълумотлар, хулоса ва таклифлар Миллий истиқлол ғояси бўйича махсус методологик комиссияга тақдим этилади.

5.3. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўзлаштиришдаги, уни ўқувчи ва талабаларнинг мустақил фикрлари қобилиятини ривожлантиришда ҳамда маънавий юксалишига ижобий таъсир қилишини таъминлашда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида илмий, ўқув-методик ишларни такомиллаштириш юзасидан амалдаги режа ва дастурларга ўзгартиришлар киритилади, маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари такомиллаштирилади, янги ўқув адабиётлари тайёрланади.

---

# “БУЛБУЛ ЧАМАННИ СЕВАР...”

*Бошланғич синфларда ҳар бир ўтилаётган дарсда замонавий услублардан фойдаланиш дарсни қизиқарли ҳамда ўқувчига тушунарли бўлишига ёрдам беради. Бунинг учун ҳар бир бошланғич синф ўқитувчисининг маҳорати ва билим даражаси юқори бўлмоғи лозим.*

*Маълумки, дарсларни бир хил ёки бир-бирига ўхшашлиги ўқувчининг зерикишига, дарсга бўлган қизиқишининг сўнишига олиб келади. Дарсларда янги педагогик технологиядан фойдаланиб, дарс ўтиш энг яхши натижани беради. Хусусан, мен ўзим 4-синфларга “Ўзбекистон - Ватаним маним” бўлими юзасидан савол ва топшириқлар мавзуси юзасидан такрорлаш дарсини қуйидагича ўтдим. Мазкур дарс илм масканимиздаги ҳамкасбларимизга маъқул бўлди.*

*Дарс, асосан, интерфаол услубда олиб борилади. Ўқувчилар олти гуруҳга бўлинади ва ҳар бир гуруҳга сардорлар тайинланади. Сардорлар ўқитувчилар билан биргаликда махсус шаблонлар ёрдамида жавобларни баҳолаб борадилар. Биринчи шарт эълон қилинади.*

***Биринчи шарт. Қуйидаги шеър муаллифларини аниқланг.***

***1-шеър. Дўстлар менинг юртимни***
***Ўзбекистон дейдилар,***
***Доғи тутган дунёни***
***Боғу бўстон дейдилар.***
***(Зафар Диёр)***

***2-шеър. Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,***
***Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.***
***Бутун кучни халқ ичидан олайлик,***
***Қучоқ очиб халқ ичига борайлик.***
***(Чўлпон)***

***3-шеър. Юртим сенга шеър битдим бу кун,***
***Қиёсингни топмадим асло.***
***Шоирлар бор ўз юртин бутун***
***Олам аро атаган танҳо.***
***(Абдулла Орипов)***

***Мазкур шарт якунлангач, саҳналаштирилган ўйин намойиш этилади. 2-шарт ўтилган мавзулар юзасидан тузилган тест саволлари тарқатилади.***

***1. Ўзбекистонда нечанчи йилдан бошлаб, “Тико”, “Нексия”, “Дамас” автомобиллари чиқарила бошланди?***
***А) 1996***
***Б) 1991***
***В) 1995***

Sinab ko‘ring

***2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нечта боб ва моддадан иборат?***
***А) 12 боб, 102 модда***
***Б) 26 боб, 128 модда***
***В) 20 боб, 127 модда***

***3. Сафарга кетаётган киши ўз дўстига нималарни омонат топширди?***
***А) уй-жойини***
***Б) олтин тангаларни***
***Д) матоларни***

***Сўнгги 4-шарт эълон қилинади. 4-шартда ўқувчилар мақолларни давом эттиришлари керак.***
***А) Булбул чаманни севар, .......***
***Б) Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, .......***
***В) Ҳунар бўлса қўлингда, .......***
***Г) Эл бошига тушгани. .......***

*Ўқувчилар шартларни бажариб бўлгач, улар билан бирга табиат қўйнида сайр қиламиз. Сайр давомида ўқувчилар мактаб боғидан хоҳлаган гул ва меваларни олиб, уларга оид бўлган шеърларни ёддан айтиб беришлари керак. Масалан,*

*Мен сизларнинг олмангиз,*
*Хомлигимда олмангиз.*
*Пишмасимдан еб олиб,*
*Вой қорним деб қолмангиз.*
*Ғарқ пишибди тут,*
*Ранги гўё сут.*
*Териб-териб е,*
*Кўрмайсан завол.*

*Шу тартибда табиатга атаб шеърлар занжири тузилади. Бундай усуллар ўқувчилар фаоллигини ошириш билан бирга уларни мантиқий, эркин фикрлашга чорлайди. Муҳими, жараёнда фаол қатнашган гуруҳ ўқувчиларига баллар қўйиб бораман. Гуруҳ сардорлари қўйган балларни умумлаштириб, ғолиб бўлган гуруҳни аниқлайман.*



**Гулнора ПЎЛАТХЎЖАЕВА,**
**Тошкент туманидаги 19-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси**

---

# *МУҲАНДИС-ПЕДАГОГЛАР СИФАТИГА МАСЪУЛМИЗ*

Ўрта махсус таълимда мутахассислар тайёрловчи инсон педагог бўлиши керакми ёки муҳандисми, деган савол кўпчиликни қизиқтиради. Ва унинг умумий жавоби битта: кичик мутахассисларни тайёрловчи инсон муҳандисликни мукаммал эгаллаган, замонавий педагогикани, технологияларни, психологияни пухта билган кадр бўлиши лозим.

Республикамизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши бир-бири билан узвий боғланган ягона тизимни вужудга келтирди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 февралдаги “Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида”ги 77-сонли қарори муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш масаласига тегишли бўлиб, Тошкент Давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ҳамда Наманган муҳандислик-педагогика институтлари базавий олий таълим даргоҳи сифатида белгиланди.

Институтимизга билдирилган бундай ишончнинг, албатта, масъулияти ҳам чексиз. 10 дан ортиқ профессор-ўқитувчиларнинг кейинги йилларда АҚШ, Жанубий Корея, Исроил, Канада, Франция, Германия каби ривожланган мамлакатларда малака ошириб келишлари, мутахассислик фанлари ўқитувчилари ҳамда усталари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетининг ташкил қилиниши ана шу масъулиятни ҳис қилишнинг бир исботидир. Вилоятнинг етакчи касб-ҳунар коллежларида мутахассислик кафедраларининг 15 та филиали очилди, қатор касб-ҳунар коллежлари директорлари институт ва факультетлар илмий кенгаши аъзолигига қабул қилиндилар. Етакчи профессор-ўқитувчилардан 49 нафари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида дарс беришга жалб қилинди. Бу ишлар институтимизнинг ўз олдига қўйилган вазифаларини имкон даражасида уддалаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 400-сонли қарори муҳандис-педагоглар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича навбатдаги вазифаларни аниқ-ойдин қилиб берди. Бу борада институтимиз жамоаси муҳандис-педагоглар тайёрлашни ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил қилишнинг турли-туман йўлларини ахтармоқда. Жумладан, 30 та замонавий компьютердан иборат электрон кутубхона ишга туширилди. Барча талабалар маърузалар матни ва саволномалар тўплами киритилган дискеталар билан таъминланди. Шунингдек, институт қошидаги касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети ишига ҳамда маркетинг хизматига янада жиддийроқ эътибор қаратилмоқда.

## Milliy dastur — amalda

Наманган транспорт ва алоқа коллежида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари билан институт битирувчи курс талабалари ва профессор-ўқитувчилари учрашуви ўтказилганида, муаммоларни биргаликда ҳал қилишга келишиб олинди. Натижада, касб таълими йўналишини тамомлаётган битирувчиларнинг аксарият қисми ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

2001—2002 ўқув йили давомида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун 45 та фан бўйича маърузалар матни, методик кўрсатмалар ва бошқа ўқув адабиётлари нашр қилинди. 2002 йилнинг 8 июнь куни “Дўстлик” академик лицейи биносида Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидан ташриф буюрган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари иштирокида ўқув адабиётларининг тақдимот маросими ўтказилди ва уларга маъруза матнлари топширилди.

Ўтган йили институтга талабалар қабул қилишда муҳим янгилик рўй берди. Касб-ҳунар коллежларида камида уч йилдан бери педагогик фаолият билан шуғулланиб келаётган ўрта махсус маълумотлилар учун махсус сиртқи бўлим очилди. Унга мавжуд 12 та таълим йўналиши бўйича жами 92 нафар талаба қабул қилинди. Ўқиш муддати 3 йил бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларидан бири, қабул қилинган талабаларнинг маълум малакага ва кўникмага эга бўлганликларидир.

Махсус сиртқи бўлимда таҳсил олаётган талабалар билан ўтказилган суҳбатларда уларнинг ўқиш жараёнидан мамнун эканликлари маълум бўлди. Сиртқи бўлим талабалари институтда ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларга ҳам жалб қилинмоқда. Чунки, махсус сиртқи бўлимда таҳсил олаётган талабалар фақат эшитувчи ва ёзиб олувчи эмас, балки ўқитувчилик фаолиятидаги иш тажрибалари, ундаги муаммолар билан олий ўқув юрти ўқитувчиси билан мунозарага киришгиси ва ўзига фойдали ечимни топгиси келади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи вазифаларини амалга ошириш жараёнида қатор қийинчиликларга ҳам дуч келинди. Республикамизда қўшма корхоналар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Лекин улар билан шартнома тузиш ва шу асосда талабаларни ишлаб чиқариш амалиётларига юбориш учун ҳуқумат даражасидаги ҳуқуқий асос йўқ. Институтимизнинг “Озиқ-овқат технологияси” кафедраси “Нестле” қўшма корхонаси билан талабалар ишлаб чиқариш амалиёти учун шартнома тузишда қийналишди. Бундай корхоналарга олий таълим муассасалари кадр етказиб бераётган бўлса-ю, ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишда бирдамлик мумкин бўлмаса.

Президентимиз И.Каримов: “Биз кадрларни мажбурий равишда ишга тақсимлашдан воз кечдик, лекин бу кадрларни ишга жойлаш жараёни ўз ҳолига ташлаб қўйиш дегани эмас” деб таъкидлаган эди. Фарғона водийсидаги касб-ҳунар коллежларида 64 та соҳа бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш белгиланган. Минтақадаги олий ўқув юртлари тайёрлаётган касб таълими мутахассислари анча кам йўналишни қамраб олади. Шунинг учун тайёрланаётган бакалаврлар билан коллежлар йўналиши ўртасида номутаносиблик юзага келяпти. Педагогика-психология фанлари бўйича фан докторларини етиштириш муаммолигича қолмоқда. Фарғона водийси олий ўқув юртларида улар фақат 2 нафарни ташкил қилади. Албатта, миллий дастурнинг иккинчи — сифат босқичини амалга ошириш даврида ушбу муаммолар бартараф қилинади, деган умиддамиз.

Маълумки, коллеж — олий ўқув юрти — корхона интеграцияси тайёрланаётган кадрлар салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнайди. Лекин учала тизимда ҳам ҳуқуқий асос яратилмаса, умумий мақсадга эришиш қийин. Юқори малакали педагогларга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бораверади. Минтақавий олий ўқув даргоҳлари учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Ғ.ДАДАМИРЗАЕВ,**
**НамМПИ ўқув ишлари бўйича проректори,**
**А.ХОЛМИРЗАЕВ,**
**махсус сиртқи бўлим бошлиғи**

*Бироқ бу Низом ногиронлиги ва касаллиги туфайли оилада таълим берилаётган болалар учун татбиқ этилмайди.*

*Амалдаги қонунларга биноан ота-оналар ёки қонуний вакиллар боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт.*



*Лойиҳа*

# Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш ҳақида муваққат НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш Республика ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли ва 1999 йил 16 августдаги "Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 390-сонли қарорлари, тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳамда мазкур муваққат Низом асосида амалга оширилади. Бироқ бу Низом ногиронлиги ва касаллиги туфайли оилада таълим берилаётган болалар учун татбиқ этилмайди.

2. Оиладаги таълим — хусусий ҳолда амалга ошириладиган умумий ўрта таълим тури бўлиб, у мазкур йўналишда таълим олишни истаган ўқувчи-ёшларга давлат аттестациясидан ўтган ва аккредитация қилинган давлат ёки нодавлат умумий ўрта таълим мактаби томонидан тузиб берилган махсус жадвалга мувофиқ, шу мактаб ўқитувчиларини (ёки бошқа исталган ўқитувчини) шартнома асосида ёллаб, мактабга келмай таълим олишни билдиради.

Бунда ўқувчи албатта умумтаълим мактабларидан бирида тегишли синф журналида ва ўқувчилар рўйхатида қайд этилган бўлиши керак.

3. Мустақил равишда таълим олиш ҳам худди шу тартибда амалга ошириладиган таълим тури бўлиб, унда ўқувчининг умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари асосида ўқув дастурларини мактабдан ташқари, қўшимча ёки мустақил ўрганишини назарда тутади.

Бунда икки хил кўринишдаги мустақил таълим олиш назарда тутилади:

биринчи ҳолатда мактаб ўқувчиси ўзи ўқиётган синф ва ундан кейинги синф дастурларини юқорида қайд этилган шаклда ўрганиб, кейинги синфларга экстерн сифатида кўчиш(сакраш) истаги билан;

иккинчи ҳолатда мактаб ёшидан катта ёшдагиларнинг мустақил тайёргарлик билан якуний аттестациядан ўтиш ва IX ёки XI синфни экстерн сифатида тугатиб, тегишли ҳужжатни олиш истаги билан. Бу тоифадаги ўқувчиларга юқоридаги 2-банднинг иккинчи хатбошидаги тартиб жорий этилмайди. Бундай таълим олиш истагини билдирганларнинг ёши чегараланмайди.

Зарурат бўлганда айрим ўқувчиларга мактаб педагогика кенгашининг қарорига кўра эркин тингловчи сифатида мактабга қатнаб ўқишга ҳам рухсат этилади.

Эркин тингловчи бўлиш ҳуқуқи ўқувчиларга:

Республика ҳамда халқаро спорт анжуманлари ва мусобақаларига;

халқаро мусиқа танловларига;

санъат ва техник ижодиёт турлари, халқ ҳунармандчилиги бўйича халқаро танловларда иштирок этиш учун мактабдан ташқарида махсус тайёргарлик кўраётганда берилади.

Бунинг учун ўқувчини танлов ва мусобақаларга тайёрлаётган манфаатдор Республика ташкилоти ўқувчининг юқоридаги ҳолатларнинг бири бўйича қайси муддатда ва қаерда тайёргарлик кўришини баён этиб, туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларига расмий хат юбориши талаб этилади. Хат юзасидан халқ таълими бўлимининг кўрсатмаси масалани педагогика кенгашида кўриб чиқиш учун асос бўлади. Ўқувчи учун эркин тингловчи бўлиш ҳуқуқи педагогика кенгаши қарорида кўрсатилган муддатгагина берилиши мумкин.

4. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш ҳуқуқи умумий ўрта таълим муассасаларининг муайян бир синфида ўқиб турган, айрим фанларни чуқур ўрганиш истагини билдирган ўқувчиларга ҳам берилади. Бунда мактаб ва ўқитувчилар (шартнома бошқа таълим муассасалари ўқитувчилари ёки нафақадаги ўқитувчилар билан ҳам тузилиши мумкин) билан тузиладиган шартнома мазмуни айрим фанларни чуқур ўргатишга қаратилади.

5. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олишни ташкил этиш бўйича оила, мактаб, маҳалла узвий ҳамкорликда иш олиб борадилар.

6. Бола оилада қуйидаги таълим турлари ва босқичларида таълим олиши мумкин:

а) бошланғич таълим босқичида 1—4-синфларда;

б) умумий ўрта таълим босқичида 5—8-синфларда.

9-синфда ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га биноан ўтиш даврида 10-11-синфлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда шу синфларда (мактаб ёшидан катта ёшдаги экстернлар бундан мустасно) ўқувчиларнинг оиладаги таълим ёки мустақил равишда таълим олишига рухсат истисно тариқасида жисмоний ва руҳий жиҳатдан амалдаги ўқув дастурларини мустақил ўқиш ва ўзлаштириш имкониятига эга бўлган айрим иқтидорли ўқувчиларгагина "ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик - педагогик Республика ташхис маркази" тавсиясига асосан Халқ таълими вазирлиги томонидан берилади. Бунинг учун мактаб маъмурияти, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими Республика ташхис марказига ўқувчининг руҳий ва жисмоний имкониятлари ҳамда иқтидори ҳақида тавсиянома тақдим этишлари зарур. Ташхис маркази ўқувчини тегишли тест-синовлардан ўтказганидан сўнг Халқ таълими вазирлигига тавсиянома киритади.

### II. Оиладаги таълимни ҳамда мустақил равишда таълим олишни ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари

1. Оиладаги таълимни ҳамда мустақил равишда таълим олишни ташкил этишнинг мақсади умумий ўрта таълим олишнинг мажбурийлигини, умумий ўрта таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ болаларнинг мунтазам билимларни олишини таъминлаш, уларда билим олишга эҳтиёжни ривожлантириш, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, шунингдек, таълимнинг шу туридан фойдаланувчиларнинг ҳаётга мустақил тайёргарлик кўришлари, ўз иқтидорларини синаб кўришларига имконият яратиш.

2. Оиладаги таълим жараёнида ҳам таълим умумий ўрта таълим мактабларида бўлгани каби:

давлат таълим стандартлари асосида умуминсоний қадриятларни, кўп асрлик анъаналарни, миллий истиқлол ғояларини. тўпланган ижобий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши;

болани жисмоний ва руҳий ривожлантиришга, унинг нутқини такомиллаштиришга, теварак - атрофдаги дунё ҳақидаги тасаввурлари ва савод даражасини юксалтиришга қаратилиши;

улардаги ахлоқий - маънавий сифатлар ва ижтимоий ахлоқ кўникмаларини шакллантириши;

эстетик ҳис-туйғу ва тушунчалар, илк меҳнат кўникмаларини камол топтириш каби мақсад ва вазифаларга қаратилиши керак.

3. Оиладаги таълимда ҳам болани умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари асосида ўқув дастурларини ўзлаштиришини таъминлаш мақсадида педагогик ва ахборот технологиялари, таълим-тарбия бериш услуб ва воситалари, уларнинг ривожланиш даражасига қўйилган талабларга амал қилинади.

### III. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олишни ташкил этиш тартиби

1. Ота-оналар ёки қонуний вакиллар фарзандларининг оилада таълим олиши учун ўзларига энг яқин ҳудуддаги истаган умумий ўрта тарлим муассасига ариза берадилар. Таълим муассасаси педагогика кенгаши 10 кун мобайнида аризани кўриб чиқиб, шартнома тузиш ҳақида ўз розилигини беради ҳамда оила ва жамият манфаатларини назарда тутувчи ҳуқуқий, молиявий масалаларни эътиборга олган ҳолда шартнома тузади (шартнома намунаси илова этилади).

2. Мактаб директори ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг таклифига биноан болага оилада таълим бериш учун фан ўқитувчиларини айрим фанлар ёки маълум бир синфнинг тўлиқ курси бўйича тавсия этадилар.

3. Шартнома тузган ўқитувчилар боланинг билими ва ривожланиш даражасини ўрганиб чиқиб, ўз фанлари юзасидан давлат таълим стандартлари асосида ўқув дастурларини тавсия этадилар ва уларни ўзлаштириш муддатини кўрсатган ҳолда ўқувчи ва ота-оналар (ёки қонуний вакиллар)га аниқ талабларни белгилаб берадилар.

4. Оилада таълим олувчи боланинг билим даражасини у бириктирилган таълим муассасаси томонидан аниқлаш умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида чоракли синовлар ўтказиш тартибида амалга оширилади. Мустақил таълим олувчилар учун ҳам шундай синов тартиби жорий этилади.

Синовларнинг шакли бола бириктирилган мактаб маъмурияти томонидан ўқув режасига киритилган фанларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда "Экстернат йўли билан аттестацияларни ташкил этиш тартиби" асосида белгиланади.

5. Оилада ва мустақил равишда таълим олувчи ўқувчиларга тегишли таълим муассасаларида лаборатория ва амалий машғулотларни амалга ошириш учун имкониятлар яратиб берилади.

6. Мактаб маъмурияти мактаб ҳудудида истиқомат қиладиған оилада ва мустақил таълим олаётган мактаб ёшидаги болалар бўйича барча маълумотларнинг аниқ ҳисоб-китобини юритади.

Оилада ва мустақил равишда таълим олиш йўли билан ўқитилаётган бола таълим муассасасида ўқувчиларнинг ҳаракати дафтарида алоҳида қайд этилади ва ҳисоботи туман(шаҳар) халқ таълими бўлимига берилади.

7. Оиладаги таълимда ота-оналар ёки қонуний вакиллар фарзандларини мактаб педагогика кенгаши қарорига биноан айрим фанлар бўйича умумий ўрта таълим мактабида шартнома асосида ўқитишлари ҳам мумкин. Бундай ҳолатда ота-оналар ёки қонуний вакиллар мактаб раҳбари номига ариза ёзадилар.

8. Мактаб, туман(шаҳар) халқ таълими бўлими методика кабинети ходимлари оилада таълим берувчи ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатади. Улар учун семинар, консультациялар ўтказади, уларга кун тартиби ва дарс жадвалини тузишга амалий ёрдам беради. Ўқитувчи ўқитиш усули ва воситаларини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

9. Оилада таълим олган ўқувчилар тегишли ҳужжатлар (гувоҳнома, шаҳодатнома) асосида узлуксиз таълимнинг кейинги турларида ўқишни давом эттиришга ҳақлидирлар.

10. Ўқитувчи ўз вазифасини талаб даражасида бажармаслиги натижасида таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлса, у ҳолда шартнома ота-оналар(ёки қонуний вакиллар) ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши ҳамда бошқа ўқитувчи билан шартнома тузилиши мумкин.

Агар шартнома ўқитувчи томонидан бекор қилинадиган бўлса, у ҳолда ўқитувчи мактаб раҳбарига, ота-она ёки қонуний вакилларга бола томонидан ўқув дастурининг неча фоизга бажарилганлиги ҳақида ҳисобот ҳамда шартнома бекор қилиниши сабаблари ва таълим бериш тўхтатиладиган вақти кўрсатилган билдиришномани шартнома тўхтатилиши белгилаган муддатдан 10 кун олдин тақдим этади.

Томонлар ўртасида вужудга келган мунозарали масалалар ёки келишмовчиликлар амалдаги қонунлар асосида томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

11. Оилада таълим бераётган ўқитувчи бирон-бир сабаб билан таълим беришни вақтинча давом эттира олмаса 2 кун ичида у ота-оналарни ва мактаб маъмуриятини огоҳлантириши, мактаб эса унинг ўрнига ота-оналар розилиги билан бошқа ўқитувчини тайинлаши зарур. Бунда тегишли ҳисоб-китоблар ушбу ўқитувчи билан ўтилган дарс соатлари ёки машғулотларни ҳисобга олиб амалга оширилади.

### IV. Оиладаги таълимни ташкил этишда ота - оналар ёки қонуний вакилларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари

1. Ота-оналар ёки қонуний вакиллар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

болани ўқитишда ўқитувчини унинг ўқиётган мактабидангина эмас, балки бошқа таълим муассасаларида ишлаётган ёки нафақада бўлган ўқитувчилар орасидан танлаш;

бола шахсиятининг қадрланиши ва унинг шахсий иқтидорининг ҳурматланишини талаб этиш;

боланинг жисмоний ва руҳий имкониятларига зарар етказмайдиган тарзда фанларни ўргатиш тартиби, суръати, муддатини белгилаш юзасидан шартлашиш;

таълим жараёнини ташкил этишда иштирок этиш;

услубий хизматдан фойдаланиш;

боланинг билим даражаси рейтингини шартнома тузилмаган бошқа ўқув муассасаси мутахассис ўқитувчиларини шартнома асосида жалб этиш орқали синаб кўриш;

оралиқ ва якуний аттестацияларда фарзанди паст натижалар кўрсатса ёки имтиҳонлардан ўта олмаса ўқитувчи билан тузилган шартномани бекор қилиш, мактабдан бошқа ўқитувчи берилишини талаб қилиш.

2. Ота-оналар ёки қонуний вакиллар қуйидаги ҳолларда халқ таълими бошқарувининг юқори органларига мурожаат этишлари мумкин:

мактаб раҳбарияти ёки туман(шаҳар) халқ таълими бўлими оиладаги таълимни тўхтатиш ҳақида ноқонуний қарор қабул қилганда;

синов натижаларидан норози бўлганда;

бола ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилинмаганда;

боланинг таълим олиш жараёнида ўқитувчи унинг ота-онаси ёки қонуний вакили билан келишмаган ҳолда шартномани бекор этганда.

3. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари:

боланинг жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиши учун доимий ғамхўрлик қилишлари ва боланинг табиий лаёқатини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратишлари;

боланинг давлат таълим стандартлари ҳажмида билим олишига кўмаклашишлари;

болага оилада таълим бериш учун муайян моддий ва ўқиш шароитларини яратишлари;

шартнома асосида ўқитувчи ёки тарбиячиларнинг хизмат ҳақини ўз вақтида тўлашлари;

таълим муассаси ва ўқитувчи билан тузилган шартнома шартлари ва ушбу Низом қоидаларини бажаришлари талаб этилади;

4. Амалдаги қонунларга биноан ота-оналар ёки қонуний вакиллар боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт.

5. Оиладаги таълим жараёнида ота-оналар ёки қонуний вакиллар бола бириктирилган тиббий ва таълим муассасаси билан биргаликда унинг саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирларнинг бажарилишини таъминлайдилар.

### V. Оилада таълим олганларга ҳужжатлар бериш тартиби

1. IX - XI синфни тугатганлиги ҳақида тегишли ҳужжатларни олиш истагида бўлган мактаб ёшидан катта ёшдаги оилада ёки мустақил таълим олган ўқувчилар якуний аттестациядан Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари буйруғи билан белгиланган умумий ўрта таълим мактабларида тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибида ўтадилар.

2. Мактабда ўқиётган, умумтаълим мактабида рўйхатга олиниб, шартнома асосида оилада ва мустақил равишда таълим олаётган ўқувчилар, эркин тингловчилар назорат синовлари ҳамда якуний аттестациядан ўзлари ўқиётган ёки бириктирилган таълим муассасасида ўтадилар.

3. Белгиланган барча имтиҳонларни муваффақиятли топширган экстернларга мактаб педагогика кенгашининг қарорига кўра мазкур синфни тугатганлиги тўғрисида табель ҳамда маълумотнома, ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома ёки тўққиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

4. Оилада ва мустақил равишда таълим олган ўқувчилар мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат, чақириққача ёшларни тайёрлаш фани бўйича имтиҳон топширмайдилар. Ўрта маълумот ҳақида шаҳодатномага бу фанлар "ўрганилмаган" деб ёзилади. Агар ўқувчи мазкур фанлардан имтиҳон топширишни истаса, у ҳолда педагогика кенгашининг қарори билан унга ушбу фанлардан имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади, маълумоти ҳақидаги ҳужжатга имтиҳон баҳоси қўйилади.

5. Аризаларни расмийлаштириш дафтари, имтиҳон комиссиясининг баённомаси ва қарорлари, экстернларнинг имтиҳонларда бажарган ёзма ишлари белгиланган тартибда сақланади.

### VI. Оиладаги таълимни назорат этиш. Маблағ билан таъминлаш

1. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари оиладаги таълимнинг тўғри ташкил этилишини, Методика кабинетлари қошида ўқитувчиларга амалий ва методик ёрдам берилишини ҳамда уларнинг ишларини маълум мақсадга йўналтирилишини назорат қилади ва қуйидагиларни амалга оширади:

ҳар ўқув йили охирида таълим муассасаларидан оилада ва мустақил равишда таълим олувчи ўқувчиларнинг сони, билим даражалари, синфдан-синфга ўтиши, битириши ҳақида ҳисобот олади;

томонлар орасида вужудга келган келишмовчиликларни ҳал этади;

жиддий камчиликлар аниқланганда оиладаги таълимни тўхтатиш, шартноманинг бекор қилинганлиги ҳақида хулосалар беради.

2. Ота-оналар ёки уларнинг қонуний вакиллари шартнома асосида ўқитувчи - репетитор ёки ўқитувчилар билан ўрнатилган тартибда бевосита молиявий ҳисоб-китоб қилади.

3. Оилада ёки мустақил равишда таълим олаётган бола бириктирилган мактаб раҳбари уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари билан шартнома тузилганлиги ҳақида жойлардаги солиқ органларига ҳар ўқув йилининг бошида маълумотнома тақдим этади.

## ШАРТНОМА

(ОИЛАДАГИ ТАЪЛИМ ҲАҚИДА)

______________________________
(туман, шаҳар, мактаб)

Мактаб раҳбари ______________________________
(Исми, шарифи)

Фуқаро ____________________ мазкур шартномани қуйидагича имзоладик:
(Исми, шарифи)

1. Ота-она ёки унинг қонуний вакили томонидан танланган ўқитувчи ______________________________нинг
(ўқитувчининг исми, шарифи)

200 йилнинг ____________ дан 200 йилнинг ____________ гача

19 йилда туғилган____________________ни уйда ўқитиши учун
(боланинг исми, шарифи)

2. Фуқаро ______________________________
( ўқитувчининг исми, шарифи )

шу муддат ичида шартномага мувофиқ ўқитишга мажбур

2.1.______________________________
2.2.______________________________
2.3.______________________________
2.4.______________________________

(билим доирасининг талаблари қайд этилади, фанлар бўйича: бошланғич, V-IX синфлар(ёки X-XI синфлар) дастурларини ўқитишнинг аниқ муддати ва ҳажми кўрсатилади.)

3. Фуқаро______________________________га боланинг ота-оналари
(ўқитувчининг исми,шарифи)

ёки қонуний вакиллари томонидан тўланадиган маош миқдори қуйидагича белгиланади: ҳар ойда соатига______сўм, жами________ сўм.

Мазкур шартномага кўра маошнинг тўланиши нарх-навонинг ошишига қараб келишилади ва тўланади.

4. Фуқаро ____________________мазкур шартноманинг амал қилиши даврида давлат ижтимоий суғурта турларига риоя қилиши лозим.

5. Узрли сабабларга кўра ўқитувчи томонидан шартнома муддати охирига етказилмаган ҳолларда амалдаги қонунларга асосан ўқитувчига белгиланган тартибда _____ сўм нафақа тўланади.

6. ______________________________ умумий ўрта таълим
(туман(шаҳар), мактаб)

муассасасининг мажбуриятлари:

6.1. ўқитувчи ____________________га зарур вақтларда мактабдаги хоналар, лабораториялар ва ЭҲМ дан фойдаланишига имконият яратилади.

6.2. Зарур бўлган ҳолларда техника воситалари, кўргазмали қуроллар билан вақтинча таъминлайди.

6.3. ўқитувчи узрли сабаб билан машғулотларни давом эттира олмаган даврда ота-оналар розилиги билан болани ўқитиш учун икки кун ичида янги ўқитувчини тайинлайди.

6.4.______________________________
6.5.______________________________

7. Фуқаро______________________________
(ота-она ёки вакилнинг исми, шарифи)

шу вақт ичида ушбу шартноманинг қуйидаги шартларини бажаришга мажбурдир:

7.1. ______________________________
7.2. ______________________________
7.3. ______________________________
7.4. ______________________________
7.5. ______________________________

8. Ўқитувчи болани ўқитишда ўзи танлаган услуб ва воситалардан фойдаланишга ҳақли.

Шу билан бирга ўқитувчи____________________ қуйидаги шартларни бажаришга мажбур:

8.1.______________________________
8.2.______________________________
8.3.______________________________

9. Мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

9.1.Мазкур шартноманинг 3- ва 4-бандлари ва бошқа бўлимларида кўрсатилганидек томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда.

9.2. ўқитувчи томонидан шартномани бекор қилишда мактаб директорига ўқитувчи томонидан ўқув режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот, шунингдек шартномани бекор қилиш сабаби ва болани уйда ўқитишни тўхтатадиган куни кўрсатилган билдиришнома берилиши лозим ва бу билдиришнома ўқитиш тўхтатиладиган кундан камида 10 кун олдин мактаб директорига тақдим этилади.

9.3. Шартноманинг муддатидан олдин ота-оналар томонидан бекор қилиниши фуқаро(ўқитувчи) ____________________ нинг ўз вазифасини виждонан бажармаганлиги натижасида боланинг билими заифлашишига олиб келаётган бўлса, мактаб директорининг буйруғи асосида ташкил этилган комиссия уни синовдан ўтказгандан сўнг амалга оширилади.

9.4. ______________________________

10. Мазкур шартномани амалдаги муддатида тугатиш томонларнинг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади.

11. Томонлар ўртасидаги баҳсли масалалар амалдаги қонунлар асосида ҳал қилинади.

12. Мазкур шартноманинг шартлари томонларнинг ўзаро келишуви асосидагина ўзгартирилади.

13. Махсус шартлар______________________________

14. Шартнома имзоланган кундан кучга киради.

15. Шартнома 3 нусхада тузилади.

16. Томонларнинг манзилгоҳи:

______________________________

Фуқаро ____________________ Фуқаро____________________

Мактаб раҳбари

имзо имзо имзо

Сана 200 йил ______

*Бўлажак онада йод етишмаса ақлий ривожланиши анча бузилган, ҳатто кретинизмга ҳам дучор бўлган бола туғилиши мумкин.*

*Бир файласуф айтганидай: "Ердаги кичик бир гиёҳ билан осмонда милтиллаб турган юлдуз ўртасида кўз илғамас боғлиқлик бор". Мана шу боғлиқлик табиатнинг бир бутунлигини, уйғунлигини ифода этади. Мана шу уйғунликка дарз кетса, кутилмаган тафовутларга олиб келади.*



Ocherk

# Оролдан чиққан олим

Бу бир кам дунёнинг ғалати қонуниятлари бор. Кимдир обрўни, молу давлатни қувиб, кечаюкундуз унга эришиш ўйида яшайди. Кимни эса обрўнинг, мол-давлатнинг ўзи излаб келади.

Шукуржон Маматқуловнинг овозаси дўппидеккина Олтинкўлга тез тарқалди.

— Банк коллежига яна янги директор келибди. Жуда қаттиққўл, талабчан одам экан.

— Келса, буям бир йил-ярим йил ишлаб, ўзича ўхшатиб, аслида қақшатиб кетмасмикан?

— Унчаликмасдир. Профессор экан. Олим одам...

Одамлар бир нарсани билмаса гапирмайди. Шукуржон ака чиндан қаттиққўл, талабчан. Олтинкўлга озмас-кўпмас 40 километрлик Орол қишлоғидан қатнаб иш бошлади.

Дастлаб савдо техникуми, кейин Андижон банк коллежи бўлган бу даргоҳнинг 4 қаватли ўқув, 3 қаватли ётоқхона бинолари қолган эди, холос. Қаровсиз, келди-кетди раҳбарлардан анчагина хароб ҳовлилар файзсиз. Қўққайган бино ҳам йиғлаётганга ўхшарди.

Бу масканга файз бериш учун талабчанликдан бошқаси бекорлигини домланинг ўзиям англади. Ҳамма тенг ишга тушди. Фаррош ҳам, директор муовини ҳам, муаллим ҳам, ошпаз ҳам. Коллеж ҳудуди ёшара бошлади. Ҳар бир муаллимга, ходимга алоҳида жойлар ажратиб берилди. "Мана сизга 20 та талаба, 3 та ходим, таъмирчи усталар, масъулликни ҳис қилиб, рақобатчилик билан иш олиб боринг, марҳамат."

Директор ҳар бир участкани ўзи эринмай кузатади, камчилигини айтади, сўраган асбоб-анжомини, гул уруғи, дарахт кўчатини топиб беради. Бир карра ишни йўлга қўйиб, ҳудудга файз кира бошлаганида ўзи билан ўзи холи қолиб режа туза бошлайди.

Бу жой ўқув даргоҳи. Чиройли, кўркам бўлиши шарт, аммо истироҳат боғидан фарқи бор. Бу ерда яхши сабоқ, изланиш, қобилиятларини чархлаш биринчи ўринда туради. Мана бу умид билан гул экаётган, таъмирчига ёрдам бераётган ёшлар ўтган кунлари эвазига кучли билим олиши, келажагини тўғри белгилаган кишилар бўлиб етишиши шарт. Қаерда ўқигансан деса хижолат чекмаслиги керак.

Шу пайтгача ўзи билган, таниган олимларни, мутахассисларни рўйхат қилиб чиқди. Буни қаранг Олтинкўл туманининг ўзидан 5 та фан номзоди топди. Бари ё Тошкентдаги, ё Андижондаги ўқув даргоҳларида ишлайди. Чақириш керак.

Чақирди, алоҳида суҳбатлашди. Ниятини, имконини айтди. Олим одамларга ортиқча тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Бари келадиган, жуда бўлмаса ўриндош домла сифатида ишлайдиган бўлди.

Қурилиш, таъмирлашлар ҳам бир йилда тугади. Бинолар, ўқув хоналари ҳам, анча-мунча вилоят театридан қолишмайдиган саҳнали фаоллар зали, кутубхоналар, коллеж ҳовлиси, ётоқхона бирдек гўзал, ораста бўлди. Қалин қор тушгунча яшнаб турадиган гулзорларга ҳамманинг ҳаваси келадиган бўлди. Профессорлар, фан докторлари, фан номзодлари, малакали ўқитувчилар иш бошладилар. Институт, университетларда сабоқ берган олимларнинг коллежда фаолият кўрсатиши кўпларни сергаклантириб қўйди. Бу ерда ўқиш ёшлар орзусига айланди. Икки йил деганда директорни ҳам обрўнинг ўзи излаб келди. Ўқув даргоҳида ҳаммага тенг жорий қилиб келинадиган уч талаб бор. Биринчиси — интизом. Иккинчиси — самара учун ҳеч нарсани аямаслик. Учинчиси — мавжуд нарсани исроф қилмаслик, асраб-авайлаш. Аслида Шукуржон акага интизому, асраб-авайлаб исроф қилмасликни тақдирнинг ўзи ўргатган...



... Икки фарзандини очлик ва оғир кунлардан асраб қололмаган Абдуллажон яна ўғил кўрганида Оллоҳга шукрона келтириб, унинг исмини Шукуржон қўйган эди. Шукуржон бир ёшга етганида эса... ўзи урушга кетди.

— Соттихон, ўзингиз биласиз, сизу менинг бор қувончимиз қизимиз Ортиқхон ва ўғлимиз Шукуржон. Уларни эҳтиёт қилинг. Фидойи бўлинг, урушдан қайтгунимча оғирликларга бардош беринг. Буларни ҳам бой бериб қўймайлик.

— Худо сақласин. Унақа қўрқитманг. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг. Болалардан хавотир олманг.

Мана шу суҳбат Соттихонни оғир кунларда суяб ўтди. Шукуржонга ҳам осон бўлмади. Болаликнинг нашъу намосини жуда эрта тарк этди.

Кунлар баттар оғирлашиб борарди. Машъум уруш Ортиқхон ва Шукуржонларни дадасидан айиргани етмай, оч-наҳор кунларга рўпара қилар, кичик жонлардан катта бардош талаб қиларди. Меҳнат уч кишилик бу оиланинг ягона суянчи, овунчи бўлди. Бўтақара ва Орол қишлоғининг адирликка туташгани меҳнатни баттар кўпайтирди. Ортиқхон ва Шукуржоннинг ўта меҳнаткаш, ёшига нисбатан эрта улғайиб қолгани ҳам тақдирнинг оғир кунлари берган қисмат бўлди.

— Буви, ошнам акалари, дадаси билан адирга буғдой экаркан. Мен ҳам ер олиб буғдой экишга бораман.

— Ёш боласан, ер олиб буғдой экиш осонми ўғлим.

— Мен Шукурга ёрдам бераман. Ундан каттаман-ку, борайлик буви,— Ортиқхон гапга аралашди.

Опа-ука айтганини қилиб қўшнилар билан адирга чиқиб кетишди. Соттихон бригадада — пахтада ишлади. Нур тиланган кўнгилга Оллоҳ офтоб беради деганлари рост экан. Шукуржон ўша йили анчагина буғдой олди. Буғдойнинг ҳар бир бошоғи, ҳатто сомони унга азиз эди. Узун тунлар зоғора нон еб ўтириб, она-болалар кўсак чувишади. Анча-мунча оғир ишлар ўз-ўзидан уйнинг ягона эркаги Шукуржон зиммасига тушади. Энди лой қоришни, гувала қуйишни, андава тортишни, ўроқ ишлатишни, ғўзапоя бойлашни катталардек бажаришга ўтди. Опа-ука бир синфда, битта латта папка, битта китоб, ўртасидан бўлинган битта дафтар билан мактабда ўқишди.

— Буви, Шукурнинг тўплаган пули бор, — деди бир куни Ортиқхон.

— Қўявер, ўзига бирор кийим олиб берарман...

Шукуржон кийим олмади. Асраб тўплаган пули бир қўйга етганда юзини эслолмай, зор кўргиси келган, урушдан қайтмаган дадасига атаб маърака қилишди. Соттихон ўшанда очиқ ҳам, кўздан пинҳон ҳам зор йиғлади. Шу болагинасига ёруғ кунлар тилаб йиғлади. Узоқ умр, саодатли онлар тилаб йиғлади... Мактабни тамомлаб колхозда бутунлай иш бошлай деган ўғлига, "ҳеч бўлмаса дадангга ўхшаб бўғалтир бўл, руҳи шод бўлади. Ўқишга бор, болам" деб ёлворди.

Шукуржон аввал техникумда, кейин институтда ўқиди. Талабалик йиллари опаси Ортиқхонни турмушга узатиб, ҳайҳотдай ҳовлида онасининг ёлғиз қолиши Шукуржонни янаям сергак қилиб қўйди. Энди ҳатто уч кунлик таътилда ҳам Тошкентдан Андижонга — Орол қишлоғига келиб-кетиб юрди. Маҳаллада уй қураётганларга— ишчига зориққанларга ёрдам қилиб топган пулини рўзғор камига харжлаб ўрганди. Она-болани, бола-онани аяб яшайвердилар. Аспирантурадан кейин Шукуржонни Тошкент халқ хўжалиги институтида ишга олиб қолишди. Ишлаб юриб номзодлик диссертациясини ёзди. Москвада муваффақиятли ҳимоя қилди.

— Ёшинг ўттизга бориб қолди, ўғлим. Мен ҳам келин кўрсам, невара боқсам дейман. Орзуларим юрагимда кетмасин.

— Тўйга пул тўплайлик, буви, — кулди Шукуржон.

— Баҳоли қудрат сандиққа ташлаганларим бор. Йўқ дема, — мунғайибгина кўзини артди она.

— Келин йўқ-ку...

Оролда Сотти холага қуда бўлай, келин бўлай деганлар анчагина экан. Келин ҳам топила қолди. 17 га тўлиб, қишлоқдагиларнинг кўпига орзу бўлиб турган Сайёрахон Сотти холанинг уйини ҳам, кўнглини ҳам файзга тўлдириб келин бўлиб тушди.

Ёшлар тўйдан кейин Тошкентга кетадиган бўлишди.

— Энди доим Тошкентда яшайсанми, Шукуржон?

— Сизни ҳам олиб кетаман, буви, келаси ойда институтдан уй беришади. Бирга яшаймиз.

— Мен кетолмайман, болам, — она деворда осиғлиқ суратга бир қараб олиб давом этди. — Кетолмайман, даданг хафа бўладилар.

Шукуржон жим қолди. Онаси кетолмаслигини билади. Кетса ўша оғир, оч-наҳор йилларда қўшни Бўтақара қишлоғидаги ота-онасиникига кетарди. Тоғалари кўп бор айтганда ҳам кўнмаган.

Аслида мана шу туя ўркачидай адирларни, дала-боғларни, аччиқ, азиз хотираларга бой, болалиги ўтган кўчаларни у ҳам ҳеч жойга алишгиси йўқ. Мана шу муштипар аёлни ёлғиз қолдириб Тошкентда нима қилади?

У қайтди. Тошкент халқ хўжалиги институтининг Андижон филиалига ўқитувчи бўлиб қайтди. Яна изланиш, ўз устида ишлаш, қироатхоналарда мутолаа... Сўнгроқ ўзи сингари олим-педагоглар кўпайиб, филиал алоҳида институт бўлди. Бу орада Шукуржон Абдуллаевичнинг анча-мунча монографиялари, илмий рисолалари чоп этилди. Ташкилотчилик фаолияти кўринди. Шогирд эмас, ёш ўқитувчи эмас, устозга айланди. Профессор унвонига лойиқ топилди.

— Буви, мени Олтинкўлдаги банк коллежига ишга тайинлашди, — деди у бир куни.

— Олтинкўлга? Узоқми?

— Унчалик эмас. Бизнинг Андижон туманимизга қўшни. Одамлари меҳнаткаш. Яхши.

— Кўчиб кетасанми?

— Йўғ-ей. Оролни ташлаб бўладими. Қатнаб ишлайман. Машина ажратишган.

— Барака топ. Дадангнинг руҳи қўлласин, болам.

Шукуржон Абдуллаевич она дуоси билан кам бўлмади.

Анжуманлар, кўрик-танловлар домлаларни ҳам, талабаларни ҳам чархлаб боради. Вилоятдаги 70 га яқин коллежлар "Миллий ғоя — бизнинг ғоя" мавзусида кўрик-танлов ўтказдилар. 4 ой ичида 4 босқичда давом этган бу танловда Олтинкўл иқтисодиёт коллежининг "Эрк" жамоаси мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Бу табиий эди. Чунки ўқув йили давомида бундай танловлар, "Заковат" интеллектуал ўйинлари, "Заиф бўғин", "Энг иқтидорли талаба" беллашуви коллеж талабаларини анча чархлаб бўлган эди.

Шукуржон Маматқуловнинг муаллимларга кўп айтадиган бир гапи бор: "Сиз иқтидорли талабани кашф қилинг. Топсангиз қадрланг, тарбияланг. Сизни бу кашфингиз, меҳнатингиз учун мен мукофотлай, мен қадрлай".

Тўғри рағбат. Ахир келажаги буюкликнинг пойдевори иқтидорли ёшлар.

Бу ўқув даргоҳида иқтидорлиларнинг қадрланиши кўпга аён. Агар ноёблар қадрланмаганда эди, пойтахт Тошкентда ёки Андижон шаҳрида эмас, дўппидеккина Олтинкўл туманида жойлашган коллежда 3 нафар профессор, 2 нафар фан доктори, 7 нафар фан номзоди, доцентлар фаолият кўрсатмасди. Шу дўппидек қишлоқда ишлаётган олимлар республика талаба ёшлари учун махсус дарсликлар, илмий рисолалар яратмасди. Дарвоқе, Шукуржон Маматқуловнинг ўзи 30 дан ортиқ асарлар муаллифи.

— Биз энг аввал "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асл моҳиятини тушуниб олишимиз керак, — дейди у. — Хўш, бу дастур нега миллий дастур дейилмоқда. Нега Ватан тараққиёти учун энг зарур иш кадрлар тайёрлаш бўлиб турибди?! Ахир бизда 50-60 йилдан буён олий ўқув юртлари фаолият кўрсатарди. Илмий текширув институтлари йўқ эмас эди. Йўқ, бизга, мустақиллик туфайли уйғонган халққа ўз тарихимиз, ўз йўналишимиз, ўз қадриятларимизни илмий англайдиган, ўзимиздан кўра кучлироқ кадрлар керак. Улар халқимизнинг ўзлигини намоён этиши учун жуда зарур. Бу биз каби ўқув даргоҳларига катта масъулият юклайди.

Домланинг бу тиниқ фикрларини эшитарканман унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони жуда мос эканини англадим.

Жуссаси чуваккина, аммо қалби улкан, жасоратли, садоқатли Соттихон энанинг, 90 ёшда ҳам боласининг ташвишу қувончига шерик бўлаётган пиру бадавлат Соттихон эананинг орзулари рўёб топганига, дуолари ижобат бўлганига амин бўлдим.

**Замира РЎЗИЕВА,**
**Андижон вилояти**

# ТАБИАТ — ИНСОН — ҚИСМАТ

Хитойлик сайёҳлардан бири қизиқ ҳикоя айтиб берганди. Унинг ёшлиги ўтган асрнинг 50-йиллари охири, 60-йилларнинг бошларига тўғри келиб, айнан мана шу даврда Хитойда "Катта сакраш" сиёсати амалга оширилганди. "Гарчи мен болалигимда бундай сиёсатнинг моҳиятини билмасамда, ўзим гувоҳ бўлган воқеалар катталарни ҳам қизиқтириб қўйганди. Бизнинг қишлоқда асосан ғалла ва шоли етиштириларди. Ёз ойи бошланиши билан буғдой қанчалик зўр етилмасин, лекин ўримга тайёр бўлмасдан гала-гала чумчуқлар буғдойзор устига ёпириларди. Ва бу нарса ўз-ўзидан ҳосил чўғига таъсир этарди. Ўшанда бутун аҳоли қушларни йўқотишга сафарбар этилди. Ёш бола эмасмизми, қушлар галаси ортидан йиқилиб қолгунча югурардик. Ён-атрофда тез орада қушлар зоти қолмади. Лекин ўша йили пашша, чивин каби майда ҳашоратлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Натижада турли хил касалликлар тарқалди. Ҳашаротлар экинларга қирон келтирди..."

Шу тариқа инсон ўз бошига фалокат ёғдирди. Бир файласуф айтганидай: "Ердаги кичик бир гиёҳ билан осмонда милтиллаб турган юлдуз ўртасида кўз илғамас боғлиқлик бор". Мана шу боғлиқлик табиатнинг бир бутунлигини, уйғунлигини ифода этади. Мана шу уйғунликка дарз кетса, кутилмаган тафовутларга олиб келади. Сайёҳнинг бу ҳикоясида инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг арзимас ҳаракати билан табиатга таъсир эта олишини исботлайди.

Бир вақтлар гуллаб-яшнаган Оролбўйи ҳудудлари бугун қақраган чўл.

Ta'kid

Орол денгизининг қуриши эвазига 1960-90 йиллар ичида 30 миллион гектар ер ўзлаштирилди. Катта бир ирригация тармоғи бунёд этилди. Мирзачўл, Қизилқум, Қарши чўллари ҳадсиз-ҳудудсиз пахта майдонларига айлантирилди. Чўлларни ўзлаштириш ҳаракати бошқа бир чўлни "бунёд" этди. Ўрта Осиёнинг энг катта сув ҳавзаси чекиниб, ўрнида бугун қум-тўзонга қопланган 33000 $км^2$ дан ортиқ чўл ястанган. Асрлар бўйи тириклик манбаи бўлиб хизмат қилган Орол денгизи тарих олдида арзимас давр — охирги 40 йил ичида буткул қуриб кетиш хавфи остида қолди.

1960 йилда денгиз сув ҳажми 1062 $км^3$ бўлса, 1994 йилга келиб 278 $км^3$ га қисқарди. Сув таркибидаги шўрлик миқдори қарийб 3 бобарбарга кўпайди. 1981 йилга келиб денгизда кема қатнови бутунлай тўхтади ва балиқ тутиш ҳам барҳам топди.

Денгизга қуюлувчи икки дарё — Сирдарё ва Амударё суви деярли етиб бормай қолди. Ҳозирда Орол денгизи муаммосини бартараф этиш бўйича Марказий Осиё давлатлари, бошқа хорижий давлатлар, кенг жамоатчилик, турли ташкилотлар биргаликда фаолият кўрсатмоқда. Ечим қидирилмоқда. Аммо Орол ҳануз ўз ножоткорини кутиб ётибди.

Марказий Осиё шаҳарлари бугун гўзаллашиб, обод бўлиб бормоқда. Бутун шаҳар боғ-роғга бурканган. Фонтанлар ёз бўйи кўкка отилиб, ҳавода ажиб фаввора ясайди. Сув мўл-кўл. Унинг қадри билинмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳар бирига 170 литр сув кунлик эҳтиёжига сарф этиларкан. Икки ярим миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган Тошкент шаҳрида бир кунлик эҳтиёж учун қанча сув сарф қилинишини ўйлаб кўринг. Бир ойда-чи? Бир йилда-чи?

Хизмат сафари билан Исроилга борган бир ўқитувчи чўл устида қад ростлаган ям-яшил шаҳар таассуротларини гапириб берганди. У ерда бир литр нефтдан бир литр сув қиммат экан. Шаҳарда кўчат экилишидан олдин уларнинг катта дарахтга айланишига қадар барча сарф-харажатлари ҳисоблаб чиқилар ва ҳар бир кўчатга ўрта ҳисобда 2000 АҚШ долларидан тўғри келаркан.

Демоқчиманки, бизда ҳам сувдан фойдаланишда ана шундай тажрибалардан фойдалансак, анча-мунча сув тежалишига эришамиз. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида юксак экологик маданиятни шакллантириш, омма фикрини маълум бир экологик мақсад сари йўналтириш ўз-ўзидан оммавий ахборот воситалари зиммасига тушади. Шу тўғрида бир ҳамкасбим журналистларимиз ёзаётган мавзуларни таҳлил қилар экан: "Экология мавзусида истаганча ёзиш мумкин, лекин қумга сепилган сувдай бесамар кетади", деган эди. Йўқ, экология ҳаёт-мамот масаласи бўлиб турган бир пайтда мавзуга бундай ёндошиб бўлмайди.

Қолаверса, "Экология" номи "Эколот" лотореясига айланиб бозорга чиқиб кетди. Табиатни муҳофаза қилиш шу тариқа катта бизнесга эмас, катта ижтимоий ҳаракатга айлансагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

**Юнус БЎРОНОВ**

# ЯШИРИН ОЧЛИК

**йод танқислиги сабабли юзага келадиган касалликлар ва унинг асоратлари болаларни ақлан заифликка олиб бориши мумкин**

*Дунёдаги касалликларнинг тури ва номи кўп. Хасталиклар орасида сезилмай ўтадиган, оғир оқибатларга олиб келадиган яна бир касаллик ҳақида сўнгги йилларда бот-бот гапирилмоқда. Халқаро ташкилотлар, жаҳон афкор оммаси ушбу кўринмас хасталикка қарши кураш бошлагани ҳам касалликнинг хавфли эканлигидан дарак беради.*

*Биз сўзламоқчи бўлган мавзу — йод танқислиги боис юзага келадиган касаллик.*

*Йод танқислиги билан боғлиқ касалликлар ва ҳолатлар сезилмас даражада ўтганлиги сабабли, уларни аниқлаш мушкул. Айнан шунинг учун шифокорлар йод танқислигини "яширин очлик" дея номлайдилар.*

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, йод танқислиги билан боғлиқ касалликлар ва ҳолатлар энг кўп тарқалган касалликлар сирасига киради. Сайёрамизнинг табиий йод кам бўлган жойларида яшайдиган 1,5 миллиарддан ортиқ киши бундай касалликка дучор бўлиш эҳтимолига эга. Ҳозирнинг ўзида 655 миллион кишида эндемик буқоқ (йод етишмаслиги сабабли қалқонсимон безнинг катталашиши) мавжуд. Ушбу модда танқислиги туфайли 43 миллион одам ақлан заифдир.*

*Табиатда йод деярли ҳар жойда, барча тирик организмлар, сув, маъдан, тупроқда учрайди. Айниқса, бу модда денгиз сувида, денгиз соҳилидаги ҳаво ва тупроқда кўп. Шунинг учун ушбу ерларда ўсган ўсимлик ва яшовчи ҳайвонларда ҳам бўлади. Табиийки, бу ерда яшовчи ҳамда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилувчи кишиларда йод танқислиги бўлмайди. Япония, Болтиқбўйи давлатлари, Ўрта ер денгизи соҳилларида яшовчи аҳоли орасида йод танқислиги муаммоси деярли учрамайди.*

*Тоғли жойларда ва соҳилдан узоқда йод одатда кўп бўлмайди. Бундай туманларда ЙТК авж олишини кузатиш мумкин. Мамлакатимизнинг кўпгина қисми денгиз соҳилига яқин бўлмаганлиги ҳамда тузлар йодланмаганлиги сабабли аҳолининг каттагина қисмида ҳам йод етишмаслиги кузатилади.*

*Йод — классик микроэлемент бўлиб, унга суткалик эҳтиёж 100-200 мкгни ташкил этади. Демак, инсон ҳаёти давомида атиги 3-5 гр, яъни бир чой қошиқ йод истеъмол қилади. Йод организмда моддалар алмашинувига ижобий таъсир этади. Организмнинг ўзи йод элементини ишлаб чиқармайди. У егуликлар орқали киши танасига ўтади.*

*Организмда йод фаолиятини қуйидагича кўрсатиш мумкин:*

*1. Озиқ-овқатлар таркибидаги йод овқатни ҳазм қиладиган органлар орқали қонга сўрилади ва бутун организмга тарқалади.*

*2. Қон билан айланиб юрган йоднинг аксариятини қалқонсимон без олади.*

*3. Қалқонсимон безда йод гармонлар таркибига киради. Қалқонсимон безнинг асосий гармонлари-тироксин ва трийодтиронин ҳисобланади.*

*Энди организмда йод етарли миқдорда эмас дейлик. Кўриниб турибдики, қалқонсимон бездан чиқадиган гармонлар миқдори ҳам кам бўлади: йодсиз гормон ҳам йўқ деяверинг. Демак, қалқонсимон без гармонлари қатнашадиган жараёнлар суст кечади.*

*Таом билан келадиган йод етишмаслиги қалқонсимон безнинг ўзгаришига ҳам туртки бўлади. У йод танқислигига мослашиб, мавжуд йоддан самарали фойдаланишга интилади. Бунинг учун без катталашади, яъни гипертрофланади. Бу ҳолат бўқоқ деб номланади.*

*Қалқонсимон без бўйин олдинги соҳасида жойлашган бўлиб, 2 та бўлакдан иборат. Қалқонсимон без фиброз капсула ва бўйин фасцияси билан қопланган бўлиб, ички ва ташқи қаватлардан иборат. Бу қаватлар орасидан артериал ва веноз қон томирлар ўтади. Безни симпатик ва парасимпатик нерв системалар иннервация қилади.*

*Бўлажак онада йод етишмаса ақлий ривожланиши анча бузилган, ҳатто кретинизмга ҳам дучор бўлган бола туғилиши мумкин. Лекин кретинизм—улкан айсбергнинг бир учи холос. ЖСТ маълумотларига қараганда, йод кам бўлган жойларда кретинизм аҳолининг ўндан бир фоизида учрайди. Бундай ҳудудларда енгил неврологик бузилишлар ва ақлий заифликка кўпроқ ( аҳолининг ўттиздан беш фоизида) дуч келинади. Йод танқислиги қурбонларининг етмишдан ўттиз фоизида эса касаллик яққол кўзга ташланмаса-да, ақлий қобилият пасайиши ва жисмонан ўсиш сусайиши аломатлари мавжуд.*

*Россияда ЙТК муаммоси Чернобиль АЭС билан боғлиқ. Россиянинг бир неча вилояти — Брянск, Тула, Калуга ва Орёл бу фалокатни бошидан кечирди. Уларнинг барчасида бўқоқ ривожланиши эҳтимоли катта, яъни йод анчагина етишмайди.*

*Бу ҳудудларда фалокат пайтида катта миқдорда тарқалган радиоактив нурлар йодни ифлослади. Нормал йод танқислиги шароитида қалқонсимон безда радиоактив фаол тўплана бошлайди. Ҳар қандай радиоактив модда сингари, ушбу йод ҳам ҳужайраларда мутациялар миқдорини кўпайтиради ва шу тариқа онкологик касалликлар ривожланишига сабаб бўлади. Буларнинг барчаси биз тилга олган жойларда қалқонсимон безнинг онкологик касалликлари кескин ошишига олиб келади. Бунда албатта энг кўп жабр кўрадиган аҳоли болалардир. Уларда радиоактив моддалар жадал тўпланади.*

*Бизга қўшни бўлган Қозоғистон республикасида ҳам йод танқислиги катта муаммо.*

*Бу борада республикамизда, аниқроғи ЙТК касаллиги энг кўп тарқалган деб эътироф этилган Фарғона вилоятида аҳвол қандай? Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси оналар ва болалар саломатлигини сақлаш бўйича бошлиқ муовини Шуҳрат Абдумажитов бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.*

*—Вилоятда соғлиқни сақлаш борасида катта ишларни амалга оширилаяпти. "Здравплюс", "Чегара билмас шифокорлар", "ЮНИСЕФ" каби нотижорат, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмонан етук қилиб вояга етказиш учун кўпгина лойиҳалар ишлаб чиқиб, уни жойларда тадбиқ қиляпмиз.*

*Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 32-сонли қарори ҳамда "Соғлом авлод давлат дастури"ни бажариш борасида вилоят ҳокимлиги ишлаб чиққан қарорнинг алоҳида банди йод танқислигини олдини олишга қаратилган. Йод танқислиги билан оғриган ҳомиладор аёлларни дори-дармонлар билан таъминлаш мана шу бандда кўрсатилган. Ҳомиладор аёлларга ҳамда туғма гиретиреоз билан туғилган болаларга йодид дориси бепул тарқатилмоқда. Вилоятимизда она-бола скрининг маркази очилган. Ана шу марказда бутун вилоят бўйича туғилган чақалоқларнинг қони текширилади. Уларда қандай касалликлар борлиги аниқланади. 2002 йилнинг ўтган тўққиз ойида риск, яъни хавфли гуруҳга кирган гипертиреоз касаллиги билан туғилган 160 нафар чақалоқ рўйхатга олинди. Ибратли ишларимиздан яна бири бўқоқ касаллигининг ҳамма босқичи билан оғриган болалар учун Бешариқ туманида, Фарғона ва Қўқон шаҳарларида махсус боғчалар очдик. Марғилон шаҳрида эса худди шундай таълим маскани очиш ниятидамиз.*

*Йод етишмаслиги сабабли юзага келадиган касалликлар борасида сўз юритсак. Биз шифокорларда "касалликни даволагандан кўра, уни олдини олган маъқулроқ" деган машҳур ибора бор. Демак, касалликни олдини олиш чақалоқ туғилгунча ҳам бўлажак онани яхши парвариш қилишдан бошланади. Бугунги кунда вилоятда 10000 нафардан ортиқ бола эндемик бўқоқ касаллиги ташхиси билан рўйхатга олинган.*

*Бундай касалликларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўладиган омилларнинг асосийси республикамизга йодланган туз миқдорининг жуда кам кириб келишидир. Вилоят мутахассислари бугунги кунда аҳолис истеъмол қилаётган ош тузида йод миқдорини текширишганда шу нарса маълум бўлдики, фақатгина эллик фоиз тузлар йодланган экан, йигирма беш фоиз тузда эса умуман йод элементи йўқ.*

*Кўриниб турибдики, йод танқислиги муаммоси фақатгина шифокорлар ёки беморлар муаммоси эмас. Йод танқислигини олдини олиш учун ҳокимиятлар ҳам, божхона ходимлари ҳам, Санитария-эпидемиология маркази ходимлари, ота-оналар ҳам бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозим.*

*Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош педиатр-эндокринологи, тиббиёт фанлари номзоди Нилуфар Иброҳимова билан қилган суҳбатимизда эса қуйидагилар маълум бўлди.*

***— Нилуфар Шукуровна, республикамизда қанча бола йод танқислиги боис азоб чекмоқда?***

*— 2002 йилнинг биринчи январидаги ҳолатга кўра 691,196 минг нафар бола йод танқислиги туфайли турли касалликларга чалинишган. Шулардан 575,427 нафари диффузли бўқоқ хасталигининг 1-2-босқичида, 3-4 босқичдаги касал болалар эса 114,273 нафар. Йод танқислиги билан оғриган ҳомиладор аёллардан туғма гипертиреозли яъни хавфли гуруҳдаги чақалоқлар туғилади. Республикамизда туғма гипертиреоз билан эса ҳар 100 минг нафар боланинг 1035 нафари туғилган.*

*Агар биз вақтида уларни даволаш чораларини кўрмасак болалар бир умрга ногирон бўлиб қолади. Ва жамиятимизда ногиронлар кўпаяди. Скрининг марказларида ҳар бир бола туғма гипертиреоз билан туғилганми йўқми аниқланади. Ва агар шу касаллик чақалоқда аниқланса, у эндокронологик диспансер рўйхатига берилади.*

***— Бу касалликни даволаса бўладими?***

*— Албатта. Бунинг учун ҳар куни йодланган тузни овқатга ишлатиш керак. Авваллари антиструмин бериларди. Агар биз ҳозир ана ўша дорини фақатгина ҳомиладор аёллар ва болаларнинг ўзига берадиган бўлсак 40 миллион доллар миқдоридаги маблағ сарфланар экан.*

*Шунинг учун энг арзон ва қулай йўли тузни йодлаш. Сурхондарё, Наманган, Навоий вилоятларида йодланган ош тузи чиқарадиган корхоналар бор. Ўша жойларга ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан тузни йодлайдиган аппаратлар қўйилган. 2000 йилги маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, аввалги пайтлардагига нисбатан тузни йодлаш анча яхши йўлга қўйилган. 1996-98 йилларда тузларнинг атиги 20 фоизи йодланган бўлса, бугунга келиб истеъмол учун сотувга чиқарилаётган тузнинг 50 фоизи йодланмоқда холос. Ўзбекистон Республикаси Эндокронология илмий-текшириш институти ҳар чоракда мониторинг ўтказади. Ҳар бир вилоятдан туз олиб келинади ва текширилади. Ана ўшанда туздаги йод миқдори аниқланади. Шундан сўнг ҳокимликларга, мутасадди ташкилотларга "фалон, фалон корхонадаги тузда йод миқдори етарли эмас, ёки йод миқдори 30 фоиз, фалон номдаги тузларга эътибор беринглар" деган маълумотни етказамиз.*

***— Барча фойдали моддалар табиий маҳсулотлар таркибида яхшироқ ўзлаштирилганлиги сабабли денгиз карами, балиқ, креветка ва бошқаларни кўпроқ истеъмол қилиш керак экан. Бироқ Ўзбекистоннинг аксарият аҳолиси денгиздан узоқда яшайди ва денгиз маҳсулотларини кам ейди. Бунинг устига уларнинг нархи ҳам осмонда.***

***Денгиз қирғоғида яшаган кишиларда йод танқислиги муаммоси бўлмайди дейишади. Лекин ...***

*— Гапингизни тушундим. Тўғри денгиз бўйи ҳудудларида бу касаллик билан камдан-кам киши оғрийди. Лекин Орол денгизининг қуриши сабабли юзага келган экологик вазият Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ушбу касалликнинг ортишига сабаб бўлмоқда.*

*Сўнгги ўн йиллик текширувлар шуни кўрсатадики, Оролбўйи ҳудудида эндемик бўқоқ касаллиги кескин равишда ортган. Йод танқислиги асосан тўртта-Тахиатош, Хўжайли, Кегейли, Нукус туманларида яққолроқ кўзга ташланади. Бундан ташқари Фарғона вилоятида ҳам йод танқислиги катта муаммо. Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида ҳам аҳвол мақтагулик эмас. Сўнгги йилларда Тошкент вилоятида ҳам йод танқислиги муаммоси юзага келмоқда.*

*Республикамизда тўққизта "Она-бола скрининг Маркази" фаолият олиб бормоқда. Туғма гипертиреозли болалар мана шу марказларда аниқланади. Агар бемор бола бир ой ичида зарур дори-дармонларни истеъмол қилмаса, у бир умрга ақлан заиф бўлиб қолиши ҳақида гапирдик.*

***— Ушбу касалликка чалинмаслик учун нималарга эътибор бериш керак?***

*— Таркибида йод бўлган дармондориларни харид қилиш мумкин — Йод миқдори кўпайиб кетиши хавфи йўқ, чунки модданинг ортиқчаси танадан чиқиб кетади.*

*Йод миқдорининг танада етарли бўлиши учун оддий туз ўрнига доимо йодланган туз ишлатиш керак. Тузни олдиндан кўплаб ғамлаб қўймаслик лозим. Йод узоқ ва очиқ ҳолда сақланса туздан "учиб" кетади. Йодат калия сингари турғун қоришма билан бойитилган туз ҳам кўп турса ўз сифатини йўқотади. Туз очиқ идишга солинса тахминан 4-5 ойда, ёпиқ қоғозли ёки целлофан идишда сақланса, солинган пайтдан 7-8 ойдан сўнг йод миқдори камаяди. Қаттиқ ёпилган пластмасса ёки ёғоч идишда йод ҳатто бир йилгача ҳам туриши мумкин.*

*Тузни қопқоғи қаттиқ ёпиладиган идишда, қуёш нури тушмайдиган қуруқ жойда сақлаган маъқул.*

*Иссиқда йоднинг таркиби бузилиши мумкин. Йодланган тузни ишлаб чиқаришда бу ҳисобга олинади, албатта. Қимматли микроэлементни сақлаб қолиш учун овқатни пишириш вақтида тузни таомни қовураётганда эмас, балки овқат пишишига саноқли дақиқалар қолганда солиш керак.*

*Йод танқислиги муаммоси билан республикамизда Эндокринология илмий-текшириш институти ходимлари шуғулланишади.*

*Юқоридагилардан кўриниб турибдики, йод танқислиги муаммоси бутун республикамиз аҳолиси учун жиддий хавф туғдиради. Болаларда йод миқдорининг кам бўлиши уларнинг ақлий, жисмоний ҳамда жинсий ривожланишларига салбий таъсир кўрсатиши ҳам аён бўлиб қолди.*

*Бу борада хулоса чиқариш эса ўзингизга ҳавола.*

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

## ЖАНГГОҲЛАРДАГИ БОЛАЛАР



**БМТ ёш болаларни ҳарбий хизматга жалб этаётган давлатлар ва ташкилотлар бўйича ўзининг рўйхатини эълон қилди. Мазкур нуфузли ташкилотнинг қуролли низоларда болалар иштироки масаласи бўйича вакили Олара Отуннунинг айтишича, бугун дунёнинг 41 давлатидаги можароларда 300 мингга яқин болалар ҳам катталар қаторида қатнашмоқдалар. Хусусан, Афғонистон, Бирма, Колумбия, Бурунди, Конго Демократик Республикаси, Либерия ва Сомали давлатларидаги шиддатли жанггоҳларда уларни кўриш мумкин. Отуннунинг айтишича, БМТ Хавфсизлик Кенгаши рўйхатдаги мамлакатлар ва ташкилотларга қурол сотилишини тақиқлаш каби кескин чоралар кўриши керак.**

## 60 ФОИЗИ ХАСТА



**Россия соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, мамлакатдаги 28 миллиондан ортиқ болалар текширувдан ўтказилганлар. Лекин, натижалар салбий кўрсаткични билдириб, бугун уларнинг 16.8 миллион нафари, яъни қарийб 60 фоизида турли хил хасталик аломатлари кузатилган. Бундай муаммонинг келиб чиқишига аёлларнинг саломатлик ҳолатлари ҳам боғлиқ бўлиб, маълумотларга кўра, туғиш давридаги аёлларнинг тенг ярми тўғри овқатланиш имкониятига эга эмаслар. Туғилаётган ҳар уч нафар чақалоқнинг икки нафарида нормадан четлашиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шунингдек, болалар ўлими ҳам жиддий тус олган. Бугун 18 ёшга тўлган ўсмирларнинг ярми соғлиқ муаммоси сабабли муддатли ҳарбий хизматга юборилмаяпти. Вазирликнинг 2001 йил июнь ойидаги ҳисоботида эса мактабни тамомлаётган болаларнинг деярли барчаси турли хил сурункали касалликлар билан оғришлари, 17 ёшга тўлган ҳар 10 нафар боланинг бир нафаригина соғлом эканлиги айтилганди.**

## ЛОНДОНДА ЯҚИН ШАРҚ МУАММОСИ



**Буюк Британия бош вазири Тони Блэр келаётган январь ойида Лондон шаҳрида Яқин Шарқ муаммоси бўйича халқаро анжуман ўтказиш таклифи билан чиқди. Анжуманда АҚШ, Европа Иттифоқи, Россия, БМТ ва Яқин Шарқ давлатлари иштирок этадилар. Тони Блэрнинг Сурия президенти Башар ал-Асад билан учрашувидан сўнг маълум қилган ушбу таклифидан мақсад, Фаластин мухториятини қайта тузишдир. Ҳозирда АҚШ, Европа Иттифоқи, БМТ ва Россия вакиллари Исроил ва Фаластин ўртасида тинчликка эришиш бўйича режа ишлаб чиқаётган бўлиб, унда 2005 йилга бориб Фаластин давлати тузиш кўзда тутилган.**

## КАРЗАЙНИНГ ЯНГИ ФАРМОНИ



**Афғонистон президенти Ҳамид Карзай мамлакатнинг сиёсий етакчилари учун қуролли гуруҳларга раҳбарлик қилишни тақиқлаб қўйди. Президентнинг ушбу фармони Ҳамид Карзай Осло шаҳрида Афғонистонни тиклаш масаласига бағишланган анжуманда иштирок этаётган чоғида чиққан бўлиб, аналитикларнинг фикрича, ҳарбий ва бошқа соҳаларда ишлаётган кишилар бир вақтнинг ўзида ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий фаолият юритишлари мумкин эмас. Шунингдек, фармон дала қўмондонларининг ҳокимиятга интилишларини ҳам чеклайди. Бугун Ғарб давлатларининг ёрдамига қарамасдан Карзай мамлакатдаги тўла бошқарувни ўз қўлига ололмаётган бўлиб, Афғонистоннинг ғарбий қисмида Исмоил Хон, шимолда Абдул Рашид Дўстум, жанубда эса Гул Оғалар вазиятни назорат қилмоқдалар.**

## ИРОҚ ЖАНУБИДА ҲАВО ҲУЖУМИ



**АҚШ ва Буюк Британия ҳаво кучлари Ироқ жанубидаги объектларга навбатдаги ҳужумни уюштирдилар. Бомбардимон вақтида пойтахт Бағдоддан 160 км жануби-шарқда жойлашган Кут шаҳридаги армия коммуникациялари, кўчма радар тизими, алоқа пункти талофат кўрган. Америка ҳарбийларининг фикрича, бу ҳаракат иттифоқ кучларининг Ироқ ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари томонидан ўққа тутилишига жавоб бўлади. Ироқ жануби ва шимолидаги курдларни ва бошқа миллатларни Бағдод тузумидан ҳимоя қилиш мақсадида, Ироқ самолётлари учун тақиқланган ҳаво ҳудудида, 1991 йилдан буён Вашингтон ҳамда Лондон ҳаво кучлари патрул хизмати ўтаб келмоқдалар.**

## ПХЕНЬЯН ҲАРБИЙ КЕМАЛАРИ ЭРОНДА



**"The Washington Times" газетасининг ёзишича, ўтган ҳафта Шимолий Корея ўзининг 15 та ҳарбий кемасини Эронга етказиб берган. Улар орасида махсус кўрсатмалар бажаришга мўлжалланган бир неча катерлар ҳам бор бўлиб, улар "Iran Meead" юк ташувчи кемасида Эронга келтирилган. Бу махфий операция Яман давлати яқинида қўлга олинган, бортида 15 та "Scad" ракетаси бўлган Шимолий Корея кемаси ушланган вақтда амалга оширилган. Америка разведкасининг билдиришича, Эрон бу кемалардан АҚШ денгиз кучларига қарши мақсадда фойдаланиши мумкин.**

"Интернет" тармоғидан олинди.

# КОМПЬЮТЕР ҚИРОЛИ

## ёхуд Билл Гейтснинг маблағи 1 триллион долларга етадими?

**"Форбс" журнали ҳар йили сайёрамизнинг энг бой кишилари рўйхатини эълон қилади ва анчадан бери унинг номи биринчи ўринда қайд этиб келинмоқда. Бироқ, ушбу миллиардлар унга бадавлат бобосидан мерос қолмаган, у буни боғдаги олма дарахти тагидан ковлаб олгани ҳам йўқ. Ушбу тўқсон миллиардлик маблағнинг ҳар бир центи унинг интеллектуал фаолияти маҳсулидир.**

* * *

**Кабинет эшиги очилиб, хонага бир аёл кириб келганида сиэтллик машҳур психиатр уни дарҳол таниди. Бу шаҳарнинг олди адвокатларидан бўлган Уильям Гейтснинг рафиқаси, мактаб ўқитувчиси Мэри Гейтс хоним бўлиб, ўзига яраша обрў-эътибор соҳибаси эди. Унинг изидан хонага ўн ёшлардаги, ориқ, малла, кўзойнак таққан бола кириб, қизиқиш билан у ёқ бу ёққа қарай бошлади. Врач хонимдан бу ерга келишга уни нима мажбур қилганлигини сўради. Мэри дарҳол муддаога ўта қолди: "Ҳузурингизга ўғлим Биллини олиб келдим. Уни тўғри йўлга солишга ёрдам берасиз деган умиддаман. Билсангиз керак, бизнинг оила ҳар доим сиэтлликлар учун намуна бўлиб келган. Биллининг катта бобоси парламент аъзоси ва шаҳар мэри, бобоси эса миллий банк вице-президенти бўлган. Мен билан отаси ҳам жамият учун фойдали инсон бўлишга ҳаракат қиламиз. Билли эса... Унинг ўзини тутиши бизни жиддий ташвишга соляпти. У ўқишни хоҳламайди, дарсларда тўполон қилади. Уни тартибга солишга оид барча ҳаракатларимиз самара бермаяпти. Нима қилишни билмаяпмиз..." "Хўп, мендан нима истайсиз? — сўради психиатр. "Ўғлимизни тўғри йўлга солишга ёрдам беришингизни сўраймиз, — деди Мэри йиғламоқдан бери бўлиб. — У ўзлигини англасин, фойдали иш билан шуғуллансин, Америка жамиятига муносиб инсон бўлиб улғайсин, фахрлансак арзийдиган ўғил бўлсин". "Гейтс хоним, буларнинг барини амалга ошириб бўлади деб ўйлайсизми? — деди ишонқирамай врач. — Болани ўз ҳолига қўйинг, ёш-ку, ўйнайверсин. Катта ва жиддий бўлиб, сизга "ташвиш" келтиришга ҳали улгуради". "Вақтни ўтқазиб қўйсак, Билли бир умр шу туришича қолиб кетиб, ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди". "Шунақами? — деди врач ва болага ўгирилди: Айт-чи, Билли, ҳаётда сен нималар қилишни истайсан?" Бола ўйлаб туриб, жавоб берди: "Ўзимга нима ёқса, шуни қилишни истайман".**

* * *

**Психиатр билан юзма-юз мулоқотлардан кейин Билл қандай ўзгарганини пайқаш қийин эмас эди, у китоб ўқишга, хусусан, физика ва математикага оид қўлланмаларни мутолаа қилишга киришди. Ўғлининг фанга иштиёқини кўрган ота-она унинг ўқишини нуфузли Лейксайд мактабига кўчиришди. Айнан ушбу даргоҳда Билл компьютерга қизиқиб қолди ва ҳаммаслаги Пол Аллен билан танишди. Мэри Гейтснинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди: ниҳоят ўғли ўзига маъқул ишни топганга ўхшайди, "Лейксайд мактаби оналар клуби" аъзоси бўлган Мэри ўғлининг қизиқишини рағбатлантириш мақсадида клуб аъзоларига ўқувчиларга ҳисоблаш машинаси сотиб олиш учун пул йиғишни таклиф қилди (ўша вақтларда компьютер ўлчамлари шу қадар катта бўлиб, ғоят қиммат турар эди). Мэрини туйғулари алдамади — Билл энди боши билан компьютер оламига шўнғиган, дастур ишлаб чиқиш билан шуғулланар (Пол билан биргаликда), ҳар хил тўполончиликлар тўғрисида ўйламасди ҳам. Бунга вақти ҳам бўлмасди. Билли ва Пол эрталабки соат тўртгача машина қаршисида ўтиришарди. Йўқ, улар ҳар хил ўйинлар ўйнамасдилар, катталарнинг гапи билан айтганда ишлар эдилар. Буларнинг бари мактаб маъмуриятининг эътиборини тортди. Ва улар бу икки ўспиринга дарс жадвалининг электрон версиясини ишлаб чиқишни топширишди (албатта текинга эмас). Топшириқни муваффақиятли адо этиб Билл ва Пол бутун Лексайдда шуҳрат қозондилар. Уларга янги-янги таклифлар туша бошлади, ҳатто дастлабки сармоя ҳам йиғилиб қолди. Ўша пайтда Биллнинг ўзини тутиши сезиларли ўзгарди — у ўзини қарор қабул қилишга қодир эркак каби тута бошлади. У аввало ўқишни ташлади. (Шундоқ ҳам кўп вақтини партада эмас, монитор қаршисида ўтказар эди). Ва мактаб маъмурияти билан битим тузди. Унга кўра Билл мактабнинг навбатдаги буюртмасини бепул бажариб берар, бунинг эвазига маъмурият барча имтиҳонларни топширган деб ҳисоблар эди. Мэри ўзининг қатъиятли ўғли билан фахрланар, аммо унинг одатдаги кўримсиз ташқи кўриниши уни ҳамон ташвишлантирар эди.**

* * *

**Билл обрўли ота-онанинг муносиб ўғли сифатида ҳар қаерда эмас, айнан Гарвард университетида ўқиши керак эди. Кейинчалик Биллнинг ўзи онасига тан олиб айтишича, у ерга у қизиққанидан эмас, мажбурият юзасидан борган. Ўқиш унинг учун зерикарли эди ва у худди мактабдаги сингари кўп вақтини энг яхши дўсти — компьютер билан бирга ўтказар эди. Талабалар уни тўзғиган сочлари, техникага ҳаддан зиёд шайдолиги, ғижим кўйлаги, кета-кета гамбургер еб кетишлари билан эсда сақлаб қолганлар. Гейтс ишига шу даражада берилган эдики, талабалар уйидаги хонасини тартибга солишга, ҳатто ўрнини йиғиштиришга вақт сарфлаб ўтирмасди. Бироқ, онасининг кўзидан узоқлашган Гейтсни баъзан қиморхоналарда, ўртага 2000 доллар пул тиккан ҳолда кўриб қолишарди. Бизнингча, онаси унинг бундай болаларча қизиқишини кечирган бўлар эди. Мэри хоним марихуана чекиб, рокн-ролл тинглагандан кўра карта ўйнаган яхшироқ дея ҳисобларди. Гейтснинг интилиши ва меҳнатсеварлиги тезда самарасини бера бошлади. 75-йилда Пол Аллен билан бирга у компьютер ишлаб чиқарувчи фирмалар учун дастур ёзиш билан шуғулланувчи Microsoft компаниясини ташкил қилади. Гейтс Гарварддаги ўқишни ташлашга қарор қилди. Ва нақд пул оламига боши билан шўнғиди. Бу олам бошловчи- бизнесменни ютиб юбориши мумкин эди. Лекин Гейтс бўш келмади. Тасаввур қилиш ҳам қийин. У меъёрида овқатланиши ва кийиниши каби "майда-чуйдалар"га вақт сарфламай суткасига 18 соат офисдан чиқмай ишлар эди. (У тўғридан-тўғри компьютер қаршисида хот-дог кавшар, ғижим кўйлак ва арзон костюм унинг ҳар доимги кийими эди). Ҳатто бир куни Билл онасига қўнғироқ қилиб, бир суткада 24 соат ишлаши туфайли олти ой мобайнида уни безовта қилмаслигини сўраган. Шунда Мэри хоним эси жойидами бунинг ўзи, деб хавотирланган. У ўғлининг жиддий ва тартибли инсон бўлишини хоҳлаган, лекин бу даражада эмас!**

* * *

**Биллнинг рақобатчиларидан кимдир у ҳақда шундай деган эди: "Гейтс ўта кетган қайсар одам. У нима иш қилмасин ҳаммасида ғалаба қозонишни истайди".**

**1980 йили Гейтс IBM компаниясини ўзи томондан тайёрланган компьютер моделида ишлаб чиқилган дастурлар билан таъминлай бошлади. Шу билан бирга узоқни кўрувчи Гейтс бошқа фирмаларга (IBM рақобатчиларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) дастурлар сотиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолди.**

**IBM билан шартнома Гейтсга миллиардлар келтирди. 1986 йилдан бошлаб у минутига 10 минг доллардан ишлай бошлади. Бугун унинг мулки 90 миллиард доллар деб баҳоланмоқда ва бу ҳали чегара эмас. Агар ҳаммаси шундай давом этса бир неча йилдан сўнг Билл Гейтснинг маблағлари 1 триллион долларга етади. Ушбу астрономик рақамларни англаш учун қуйидаги қиёсни келтириш жоиз: АҚШнинг Форт Нокс олтин хазинасида бугун 46 миллиард долларлик тилла сақланмоқда. Демак, Гейтснинг маблағи АҚШ олтин заҳира фондидан деярли икки баробар кўп. Биллнинг ўзининг эътирофича, пул унга ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. У ҳаётининг асосий қисмини денгиз бўйларидаги оромгоҳлар, ресторанлар, кўнгилочар масканларда эмас, офисида ўтказади. Мана унинг доимий иш куни: ярим кечгача офисда иш, (албатта, компаниянинг бирор ходими билан биргаликда тушлик қилади), кейин уйга жўнайди, у ерда ҳам 1 соатини китоблар (илмий) ёки "The Economist" журналини ўқишга ажратади ҳамда эртаси куни эрталаб соат 9.00 да у яна иш кабинетида.**

**1997 йили Гейтс Вашингтон кўли бўйида 4000 квадрат метр майдонга эга ҳашаматли уй қурди. 60 миллион доллар баҳога эга бу уй тўла компьютерлашгани билан ҳам ажойиб. Бир сетга боғланган юзга яқин машина ҳамма ишни бажаради: почта жўнатади ва қабул қилади, чироқларни ёқади ва ўчиради, мусиқа, телевизорни бошқаради ва ҳоказо. Уйга келган ҳар бир меҳмонга электрон жетон берилади ва компьютер меҳмоннинг қайси хонада эканлигини лаҳзаларда аниқлайди.**

**Хуллас, 10 ёшидаёқ "ўзимга нима ёқса, шуни қилишни истайман", деган Билл Гейтс бугун хоҳлаган ишини қилаяпти. 17 миллиард долларга эга меҳр-шафқат жамғармаси борлигини ҳам қайд қилиш лозим. Бўлса, шунчалик бўлар!**

**Хориж матбуоти асосида
Ҳусан НИШОНОВ тайёрлади**

## УСТОЗНИНГ ЯХШИ НИЯТИ...

*Қашқадарё вилояти Чироқчи туманига қарашли "Ўзбекистон" жамоа хўжалигидаги Жумабой Эрбоев номидаги 37-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Маҳматмурод Оққўзиев кичик ёшдаги 18 нафар, катта ёшдаги 10 нафар болага миллий кураш сирларини ўргатиб келмоқда. Ўқитувчининг бу йил "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари вилоят босқичида 4 нафар шогирди қатнашадиган бўлди.*

*- Бу кураш залини мактаб раҳбарияти, ота-оналар ёрдамида ҳашар йўли билан жиҳозлаяпмиз, мактабнинг асосий спорт залидаги машғулотларга халақит қилмаслик учун шундай қилдик. Бундай ҳаракатни жадал такомиллаштиришимизга яқинда Президентимизнинг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ҳам анча ёрдам берадиган бўлди. Чунки "Умид ниҳоллари" республика босқичида ҳам ўрин олиш ниятимиз бор. Дарсдан кейин шогирдларни шу ерда тайёрлаяпман. Шогирдларим орасидан Ўзбекистон чемпионлари, жаҳон чемпионлари чиқишини хоҳлайман. Бирортаси жаҳон чемпиони бўлганда менинг биринчи устозим шу киши деса армоним йўқ, — дейди Маҳматмурод Оққўзиев.*



*Ҳозирда домланинг 60 дан зиёд шогирди бор. Шулардан Асрор Бозоров дзюдо, Мансур Мавлонов, Одил Пирназаровлар кураш бўйича Ўзбекистон чемпионларидир. Биз ҳам устознинг яхши ниятлари ижобат бўлишига тилакдошмиз.*



**Суратларда: М.Оққўзиев машғулот пайтида.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг I-IX синф ўқувчиларини иссиқ кийимлар билан таъминлаш мақсадида тендер ўтказади

2003 йил 16 январь куни — болалар курткаси, болалар оёқ кийими (этик, ботинка), қалпоқ ва қўлқоп.

2003 йили 17 январь куни — ўқув қуроллари (ўқувчилар сумкаси, дафтар, ручка, ўчирғич, қора ва рангли қалам, пластилин, бўёқ, расм дафтари, рангли қоғоз, қаламдон, елим).

Тендер танловида "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси, "Ўзбекчармпойабзали"уюшмаси, "Ўзбекбирлашув" қўшма корхоналари, чет эл фирмалари ва бошқа ташкилотлар ўз маҳсулот намуналари билан қатнашишлари мумкин. Танловда саралаб олинган маҳсулотларга харид қилиш учун шартномалар тузилади.

Тендер танловида иштирок этиш учун маҳсулот намуналари 2003 йил 2 январь — тендер ўтказиладиган кунгача қабул қилинади.

Тендер Халқ таълими вазирлигининг "Ўқув Таълим-Таъминот" Бош бошқармасида ўтказилади. (Тошкент ш., Сайрам 3-берк кўчаси, 92-уй).

Тендер қатнашчиси қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

— Ташкилотнинг молиявий аҳволи ҳақида банкнинг маълумотномаси

— Маҳсулот сертификати ва санитария паспорти (асл нусхаси)

— Нарх-наво бўйича ва 2003 йилнинг 1 августига қадар қанча миқдорда топшира олиш муддати кўрсатилган таклифлар

- "Ўқув Таълим-Таъминот" Бош бошқармасининг 20210000500101561001 Уй-жой жамғарма банкининг Меҳнат бўлими, МФО 00423, ИНН 200524742 ҳисоб рақамига ҳар бир таклиф этилаётган маҳсулотнинг 2,5 фоизи миқдорида закалат (бўнак) ўтказилганлиги ҳақида тўлов қоғозининг нусхаси.

Тендер таклифлари комиссия томонидан 2003 йилнинг 2 январидан 15 январигача фақат иккилик конвертда, мухрланган ҳолда қабул қилинади.

Ташқи конвертда корхонанинг номи, манзили тўлиқ кўрсатилади ва унга банк маълумотномаси, маҳсулот сертификати ва санитария паспорти, тендер қатнашчиси бўнак ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжат солинади.

Ички конвертга ҳар бир маҳсулот учун тендер таклифлари ва унга қўйилган нархлар (қўшимча қиймат солиғи билан) кўрсатилган ҳужжат жойланади.

Тендерга 2002 йил 1 июлидан кейин рўйхатдан ўтган ташкилотлар қўйилмайди. Шу сабабдан тендер қатнашчилари керакли идоралар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

**Маълумот учун қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинсин: 68-75-46: 68-94-36: 67-28-70.**

Сирғали туманидаги 3-мактаб томонидан 1999 йилда **Масалимова Румия Дамировна** номига берилган 9-синфни тугатганлик ҳақидаги UZK № 022545 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти ректори Мухсин Ҳожиевга онаси

**ЗАМИРА АЯ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Шаҳрисабз тумани Чоршанби қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори, касб-ҳунар таълими фахрийси

**Абдураҳмон БОБОЁРОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими, туман касаба уюшма қўмитаси ва 254-мактаб педагогик жамоаси мактаб директори

**Йўлчи АБДУЛЛАЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси, тиллар маркази дирекцияси ҳамда "Филология ва ҳуқуқшунослик факультетлари" учун чет тиллар кафедраси жамоаси шу кафедра доценти Наталия Шокировага онаси

**НУРИХОН АЯ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

